ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БЕРДАХ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи кафедраси

профессор Б.А.Кощанов

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХИ

**Ўқув қулланма**



Нукус - 2010

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХИ ФАНИГА КИРИШ

1. Қорақалпоғистон тарихи фани ва ўни ўрганишнинг аҳамияти
2. Қорақалпоғистон тарихи фанининг долзарб муаммолари
3. Қорақалпоғистон тарихин ўрганиш манбалари

Адабиётлар


1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998
2. Ўзбекистон янги тарихи. 1,2,3 китоб. Тошкент, 2000.
3. Қарақалпақстан жаңа тарийхы. Нөкис, 2003.
4. Жўраев Н. Тарих фалсафаси ва сиёсат//Халқ сўзи, 1998, 14 декабр
5. Камалов С., Кощанов Б. Проблемы истории XX века//Вестник ККО АН Руз. 1996. № 2.
6. Сарыбаев К. Қарақалпақстан халықлары тарийхын үйрениў ҳәм оқытыўдағы гейпара ойлар//Еркин Қарақалпақстан, 1993, 24 апрел
7. Сейтимбетов М. Тарийх - өзлигимизди аңлаўдың негизи. Нөкис, 1999
8. Өзбекстан ҳәм Қарақалпақстан халықлары тарийхы бойынша дереклер. Нөкис, 1995.


Тарих фани турли халқлар қандай яшаганлиги, уларнинг ҳаётида қандай воқеалар бўлганлиги, одамлар ҳаёти ва нима учун ўзгариб ҳозиргидай бўлиб қолганлигини ўрганса, Қорақалпоғистон тарихи эса шу она заминимизда ўтмишда яшаган халқларнинг ҳаёти ва уларнинг ривожланиш жараенида содир бўлган ўзгаришлар, воқеаларни тўлалигича ўрганадиган фандир. Юртбошимизнинг бу ҳақидаги фикрлари катта аҳамиятга эгадир. «Ҳозир, Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз, нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиесатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дуневий илмларнинг асослари ана шу заминда яратилган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари шу кунгача файзини, маҳобатини йўқотмаган, осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганлигидан далолат беради». 1997 йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарги Кенгеси сессиясида Президент шундай деган эди: «Қорақалпоқ халқи жаҳонга ўзининг миллий маданияти, ўзгача санъати, классик адабияти, руўхий баҳолиликлари, дастури ва ўрпадатлари билан маълумдур».

Бизнинг онгимиздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ воқеалик Қорақалпоғистон тарихи фанининг ўрганиш объектидир. Қорақалпоғистон тарихи фақат турли билимлар тарзидаги фан эмас, балки бир неча асрлар давомида тўпланиб келган ўзаро ички қонуниятлар билан чамбарлас боғланган билимлар тизими сифатидаги фандир. Шу маънода у ўзининг ўрганиш объекти ва предметига эга бўлган мустақил фандир.

Қорақалпоғистон тарихи фанининг долзарб муаммолари ечимини кутаеган ва аниқлик киритилиш лозим бўлган масалалар талайгина. Ҳусусан Ватанимиз ҳудудида энг қадимги даврлардан бошлаб яшаетган аҳоли ва ўларнинг жойлашуви бу аҳолининг қўшни қабилалар ва элатлар билан турли муносабатлари қадимги аҳолининг ҳозирги қорақалпоқ халқи пайдо бўлишига таъсири, қорақалпоқ халқи тарихининг пайдо бўлишининг хронологик доираси шулар жумласидандир.

Ундан ташқари, дастлабки қорақалпоқ давлатчилигинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам муқим масаладир. Айниқса, маҳаллий қадимги аҳолининг ўтроқлашуви ва бу жараен натижасида дастлабки аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлиши дастлабки манзилгоҳлар ривожланиб илк шаҳарларга айланиши, дастлабки шаҳарларнинг ижтимоий-

иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар сифатида ривожланиши ва ниҳоят ушбу жараенларга асос бўлган омиллар муҳимдир.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидаги дастлабки Кердер давлат уюшмасининг ўзаро ва қўшни давлатлар билан турли алоқалари, ўларнинг тарихий-географик ҳудуди ва чегаралари ҳам анча мунозарали мавзу ҳисобланади. Ҳозирги кунда ўлкамиз ҳудудлари ва бу ердан четда битилган ўрта асрларга оид езма манбаларни ўрганиш бўйича турли ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай бу йўналишда ҳам қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп.

Ватан тарихини ўрганишда манбаларнинг аҳамияти беқиес бўлиб, булар моддий ва езма манбалардир. Тарихимизнинг энг қадимги, яъни езувсиз замонларга оид даврини ўрганишда археологик, антропологик ва этнографик манбалар ердамга келди. Бу манбалар топилмалардан иборат бўлиб, ўларга қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарлар харобалари, мозор-қўрғонлар қолдиқлари, турмуш ва хўжаликда ишлатиладиган буюмлар, жанговор ва меҳнат қуроллари, турли-туман ашёлар киради. Езма манбалар эса, энг қадимги битиклар, езувлар ва китоблардан иборатдир. Моддий ва езма манбалар маълумотларни солиштириб, қиеслаб тарихни талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ватан тарихини еритишда назарий-методологик асосларни билиш катта аҳамиятга эга. Илмий, тарихий методлар тарихни еритишнинг асосий калити ҳисобланади.

Биринчидан, Қорақалпоғистон тарихининг яхлит концепциясини яратиш, буни амалга ошириш учун бир бутун тарихий жараенни нисбатан мустақил бўлган бўлакларга, яъни даврларга бўлиш ва уларни чуқур таҳлил қилиш лозим. Энг асосий вазифалардан бири янги езилган тарихни ўрганишни ташкил қилишдир. Ҳақиқатдан ҳам мустақиллик йилларида тўпланган қанча тарихий ҳужжатларни илмий асосда умумлаштириш вақти келди. Бу борада бир қанча илмий ҳаракатлар ҳам бор. Аммо ўларни янада жадалроқ, қатъийроқ амалга ошириш давр талабидир.

Илмийлик билан бир қаторда ҳолислик туради. Бунда ҳар бир тарихий воқеа ҳодисаларни таҳлил қилаетганда, холис, ҳаққоний равишда ўрганиш ёки тарихшуносликнинг ҳохиш-иродасидан ташқарида, воқеа ҳодисалар қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича еритиш кўзда тутилади. Ҳар бир тарих езувчи сифатида ўзининг мулоҳазалари ва бошқа ҳис-туйғулари билан атрофни ўраб турган муҳит билан узвий равишда боғлиқ. Бу боғлиқлик ўнга ўз таъсирини ўтказади. Холислик талаб этадиган қоидалар шундан иборатки, ушбу йўналишда тарихий-маданий тараққиетни (тарихнинг турли даврларида) ўрганиш жараенида бўлиб ўтган ёки ушбу тараққиет билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳеч бир ўзгаришларсиз қандай бўлиб ўтган бўлса ўша ҳолатда таҳлил ва талқин этиш, текшириш ва хулосалар чиқариб яхлит ҳолга келтириш ўта муҳимдир. Бу ҳолатда аниқ манбавий асосларга таяниш, тарихий жараенларни ўзаро чамбарлас боғлиқлигини ассослаш лозим бўлади. Бу жараенда ҳудудлар ўртасидаги ривожланиш жараенини ўзаро таққослаш, қиеслаш фақат ижобий натижалар бериши табиийдир.

Қорақалпоғистон тарихини ўрганишнинг методологик асосларидан яна бири бу воқеа ва ҳодисаларни диалектик тарзда ўрганишдир.

Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиетда бўлади деб таълим беради.

Бу метод Қорақалпоғистон тарихини ўрганишда уни тўлалигича, воқеа-ҳодисаларни бир-бири билан боғликликда, айрим тарихий воқеаларни ўрганувчи фанларни ҳам бир бутинликди, унинг бўлакларини ажратиб олмаслик ва воқеа-ҳодисаларни доимо ўзгаришда, ривожланишда ўрганишни тақозо қилади. Бироқ бир давр ҳақида фикр-мулоҳаза юритилаетган бўлса, ана шу даврнинг ўзига ҳос хусусиятини англаб олиб, уни кўрсатишни талаб қилади. Диалектик методга асосланиб, тарихий жараенни умумийлик ва алоҳидалик қоидалардан келиб чиққан ҳолда тушуниш лозим.

Унда ташқари диалектик метод Қорақалпоғистон тарихини аволла Ўрта Осиё, қолаверса, жаҳон халқлари тарихи билан боғлик ҳолда ўрганишни тақоза этади. Чунки мавжуд

бўлган ҳар бир халқ, миллат ёки элат фақат ўзига хос хусусиятлари билан бутун инсоният тараққиетида умумий боғланишдадир.

Ҳақиқатан ҳам, қорақалпоқ халқининг сиесий, ижтимоий иқтисодий ва маданий ривожланиши жаҳон тарихий тараққиетининг ажралмас қисмидур. Чунки энг қадимги даврлардан бошлаб яқин ўтмишга қадар Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Ёттисув, Эрон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон каби худудлар ўртасида ягона иқтисодий ва маданий макон мавжуд эди.

Қорақалпоғистон тарихини ўрганишда тарихийлик метод ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу метод тарих жараенида содир бўлган воқеа ҳодисаларни ўрганишда кетма-кетликни талаб қилади. Бир воқеа-ҳодиса билан бошқасини сабаб-оқибатли боғланиши ҳам кўрсатилади. Тарихийлик воқеа-ҳодисаларни қай тарзда содир бўлганлигини, жамият ривожланишда айрим шахслар ва уларни роли тўғрисида тўғри , ҳаққоний фикр юритишга ўргатади.

Тарихийлик методологияси халқнинг ўтмишига, ҳозирги замон ва келажагига ягона тарихий жараен сифатида ўтмиш ҳозирги замонни тайерлайди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиет қонуни асосида қарашни талаб қилади. Бўлиб ўтган тарихий маданий жараенларни, аждодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўргансак, англаб етсак ҳамда кенг тарғиб, ҳозирги замонни шунчалик тушуниб, келажакни ерқин тассавур этамиз.

Маънавиятини тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзин бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай инсонларни йўлдан ўриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушерликка тайерлайди. Комил инсонни тарбиялашда Ватан тарихини холисона ва ҳаққоний ўрганиш нақадар муҳим.

Ҳар томонлама етук, комил инсоннин тарбиялашда Қорақалпоғистон тарихининг ўрни каттадир. Комил инсон тушунчасига юртбошимиз яна ундай таъриф берадилар: “Комил инсон деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга иборат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди, у ҳар бир нарсани ақл мантиқ тарозисига солиб кўради, ўз фикири, хулосасини мантиқ асосида кўрган киши ётук одам бўлади”.

Бугунги кунда халқнинг, айниқса, ешларнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар давлатнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб кириб қолмайди. Унга ҳар куни ва ҳар соатда тинмай сабр-бардош билан меҳнат қилиш орқали етиштириш мумкин. Бу хайрли ишда Қорақалпоғистон тарихини ўрганишнинг ўрни беқиёсдур.

## 2-мавзу. КОРАКАЛПОҒИСТОН ХУДУДИ КАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ

режа

1. Жанубий Орол буйинда кадимги одамлар яшаган маконлар
2. Калтаминор, Сувёрган, Тозабогяб, Амиробод маданиятлари
3. Зардушт таълимотининг Коракалпогистон худудида таркатилиши

адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент, 1998
2. Мамбетуллаев М., Турбеков М. Кубла Арал бойы халыкларынын тарийхынан. Нокис, 1997. 1-китап.
3. Махмудов М. Хоразм - Авестонинг ватани. Урганч, 2000.
4. Хоразм тарихи. Урганч, 1996. 1-жилд.
5. Ягодин В.Н. Аййемги маденият газийнеси. Нокис, 1979.
Клычев Т. Кухна калъалар диёри. Тошкент. 1993.

Коракалпогистон худуди юксак маданият учогидан бири булиб, кадимги Шарк дунёсининг ажралмас кисмини ташкил этган. Бу ажойиб улканинг кулай табиий шароити бой усимликлар ва хайвонат дунёси энг кадимги аждодларимизнинг диккат-эътиборини узига жалб килган.

Бу худудда 150-130 минг йил аввал кадимги одамлар жойлаган. Устюртдаги Борсакелмас чукмасининг жануби-гарбий томонидаги тепалик устида жойлашган Есен-2 жой-макони сунгги тош асри ёдгорликларидан биридир. Бу жойдан хар хил нуклеуслар, пластикалар, киргишлар, кескичлар, конус ва призматик парраклар топилган. Есен-2 дан топилган куролларда мустье даври куролларининг тардициялари сакланган. Бу давр кишилари очик манзилгох ва гор-маконларда хаёт кечирганлар. Уларнинг асосий куроллари тошдан ясалган киргишлар, кескичлар, тешгишлар, найза пойканлари булиб, улар шубхасиз ёгош ва суякдан мехнат куроллари ясашган. Бу давр кишилари тайёр овкат махсултларидан фойдаланар - овчилик, термачилик ва баликчилик билан тирикчилик утказар эдилар.

Шимолий-гарбий Устюрт кадимдан бошлаб одамлар яшаб келган жойлардан хисобланади. Сунгги 30 йил ичида олиб кборилган археологик ишлар натижасида Устюртнинг Жайрон кудук, Айдабол кудук деган жойларидан мезолит ва неолит даврларига мансуб 30та жой-макон топилди.

Айдабол кудуги маконларидан чакмок тошдан ишланган учриндилар, нуклеуслар, тош булакчалари. парракчалар, киргишлар, камон укининг учлари, тешгишлар, кескичлар, тош пойканлари, найза учлари топилган. Кулда ишланган сопол идишлар булакчалари, чиганокдон ясалган нозик такинчоклар, безак буюмлар топилган. Мутахассислар Айдаболдан топилган тош курол, буюм, спол идишлар ва такинчоклар мезолит-неолит даврига - милоддан аввалги УШ-У минг йилликларга мансуб демокдалар.

Айдабол кудугидан 6-8 км гарбда Жайрон кудук шурхоги топилган. Айдабол ва Жайрон кудукдан топилган буюмлар ва куроллар Устюрт ва Оролбуйи мезолит кабилалари хаётида баликчилик ва овчилик мухим ахамият касб этган деган фикрни айтишга имкон беради.

Амударё этаклари ва Хоразм худудидан неолит даври маконлари куплаб топилган. Булар орасида Калтаминордан Ёнбошкалъа деган жойдан топилган макон диккатга сазовордир. Ёнбошкалъани казиб очиш вактида 290 кв.м. хажмли (24х17 м катталикдаги) турар жойнинг колдиги топилган. С.П.Толстовнинг фикрича, бу чайла шаклидаги макон булиб, ёгош устун, синчлар билан кутарилган. Унинг томига кундаланг багазлар ташланиб, усти камишлар билан беркитилган. Чайла уртасидан катта марказий учок колдиги. унинг атрофларидан эса майда учоклар колдиги топилди. Маконнинг маданий катламларидан балик, ёввойи чучка, киргавул, сув кушларининг суяклари, урдак ва гоз тухумларининг пучоклари, жийда данаклари топилган.

Ёнбошкалъа маконида топилган сопол идишлар огзи ялок, ост томони дунгрок, сиртига тулкинсимон накшлар берилган идишлар эди. Бундай маконлар мажмуаси Калтаминор маданияти деб аталиб, улар санасининг юкори чегараси милоддан аввалги У1 мингйиллик, куйи чегараси эса 1У- мингйилликлар билан белгиланади.

Неолит даври маконлари Устюртдаги Жайрон кудук ва Айдабол кудуги атрофларидан хам топилди. Шуманой тумани марказидан 40-50 км шимоли-шаркда Касанйул неолит даври кабристони топилди. Иккита кабрдан одам склетининг колдиклари, денгиз чиганогидан ишланган мунчок, кварцитдан тайёрланган уткир учли пойкон-камалак укининг учи, чиганакдан ясалган цилиндрсимон санчки, сопол идишларнинг парчалари топилган.

Кабрдаги одам 35-40 ёшлардаги эркак киши булиб, унинг суякларидан охра колдикдари сакланиб колган. Касанйул мозор-кургонидан топилган буюмлар милоддан аввалги 1У-Ш мингйилликка мансубдир.

Устюртнинг шимоли-шарк томонидаги Булок, Кушбулок, Белеули, Чурук, Сом, Туксонбой ва бошка бир катор жойларда 60 дан ортик неолит маконлари борлиги оникланди. Бу маконларда яшаган ибтидоий кишилар овчилик, баликчилик ва чорвачилик билан шугулланганлар.

Амударёнинг Окчадарё дельтасида Тозобогёб маданиятига мансуб бронза даври маконлари жойлашган. Хозирги кунгача 50 та кадимги макон текширилган. Улар ярим ертулали уй жойлардан иборат булиб, атрофида каналлар ва кадимги сугориш майдонлари топилган. Тозобогёбликлар орасида дехкончилик кенг таркалган.

Кават-3 маконида бронзадан куроллар ясаш устахонасининг излари топилган. Кукча-3 макони атрофида кадимий мозорлар хам казиб очилган. Кабрлардаги уликлар букчайтириб, бошлари гарбга каратиб куйилган. Скелетларнинг бош суяги ёнидан идишлар ва бронзадан ишланган зеб-зийнат буюмлари топилган.

Кукча-15 маконидан 30-50-100 м узокликда жойлашган 10 та ярим ёртулали уй уринлари казиб очилди. Ёртулалар тугри бурчакли ёки думалок шаклга якин курилган. Ёртулаларнинг полларига енгил каркасли катор тик ёгош устунлар урнатиш учун чукурчалар уйилган. Демак, улар устунли енгил уй системасини хосил килган.

Тозобогёб сопол идишлари асосан козон ва туваксимон идишлардан иборат булиб, хилма-хил геометрик чизиклар билан накшланган.

Хоразмда текширилган сунгги бронза даври ёдгорликлари Амиробод маданияти номи билан аталган. Амиробод маданияти милоддан аввалги 1Х-УШ асрлар билан саналади. бу давр ёдгорликлари Тозобогёб маданияти хусусиятларини саклаб, ярим ёртула, турар жой, ирригация канал излари билан ва кулда ясалган сопол идишлар билан характерланади. Бронза буюмларидан уроклар, ук учлари, жезгинлар хамда ук учлари куйилган тош колиплар топилди.

Хоразмдаги бронза даври ахолисининг асосий тирикчилик манбалари чорвачилик ва дехкончилик булган. Табиий шароит канал казиб, сув чикаришга имкон берган худудларда (Кукча, Кават, Яккапарсон_ сугорма дехкончиликнинг турли формалари вужудга келган.

Орол денгизи сохилларига якин даштларда чорвачилик устунлик килган. Бу кабилалар асосан майда чорва бокканлар, корамол ва отлар хам кулга ургатилган эди.

Хунармандчилик уй хунар-касбларига оид (кулолчилик, металлчилик, тикувчилик) булган. Кизилкумда бронза даврига мансуб кадимги мис конлари ва руда эритиш хумдонлари булганлиги маълум булди.

Энг кадимги темир буюмлари Хоразмда Кузаликир, Куйисой, Уйгарак ва Дингилжа ёдгорликларидан топилди ва улар асосан милоддан аввалги У1-У асрларга мансубдир. Хоразмда милоддан аввалги У1-У асрларга мансуб катта сугориш иншоотларининг излари топиб текширилган. Археологлар бу иншоотлар Ахмонийлардан хам олдинги давлат территориясида курилган булиш мумкин ва бу давлатга Хоразм, Сугдиёна, Парфия ерлари кирган деб фараз киладилар. Асосий фикр: давлат ташкилоти булмаса, бундай катта ва узун каналларни козиб ва саклаб булмасди.

Зардуштийлик дини асосчиси булган Зардушт ибн Сафид Тумоннинг ешлиги чорвадорлар орасида утган ва унинг исми “кекса туя эгаси”, “сарик туя минган одам” деган мазмунни беради. С.П.Толстов “Авесто” пайгамбар Зардушт томонидан Хоразмда ёзилган деган фикрни илгари сурган. Хоразм давлатининг бепоён явловларида туя ва от боккан хамда уткир зехили булган Зардушт чорвадорлар уруг-кабила оксоколлари ва чупонлардан эшитган жуда куплаган афсона, ривоят ва вокеалар тафсилотларини кучли хотирасида саклаб колган. 77 йил умр курган (м.а. 589-512). Отошпарастлик динини дастлаб кабул килган ва унга садокат билан сигинган хоразмликлар бу янги дунёкарашни уз онгига ва кундалик турмушига чукур сингдирганлар. Шу сабабли хам улар янги барпо этилаётган шахар ва кургонларда мукаддас худолар номига ибодатхоналар куриб, унда “отошкалар”, яъни ут-олов саклаб турадиган махсус жойлар барпо этганлар. Ахура-Мазда мадхиялари орасида “Сен уша, ким бизга хаёт манбаи булган чорвани дунёга келтириб яратгансан.

Чорвага яхши эга керак. Ушбу ердаги чорва эгаларига мен эркин юриршни ва эркин хаётни таъмин киламан" деган сузлар бор.

Эзгулик худоси Ахура-Мазда яратган улкаларнинг биринчиси "Аръянем Вайжах" булиб, зардуштийлик таълимоти илк бор мана шу ерда пайдо булган. Бу диёрнинг узига хос яхшилиги томони дехкончилик учун кулай дейилса, ёмони - киш фаслининг чузилиб. илк бахорда эса куп жойларини сув босишидир.

Зардуштийликдак мурда соглом одамлар учун энг хавфли нарса деб курсатилган. Вафот килганлар жасадини ерга кумиш, уни ёндириш ва сувга чуктиришга рухсат берилмаган. Чунки, ер, сув ва хаво мукаддас саналган ва уларни доимо тоза саклаб туриш талаб килинган.

Вафот килганларни уч кун давомида уйда саклашган ва уларнинг хакларига дуолар укилган. Шундан сунг одамлар яшайдиган жойдан узокрок ерга куйиб келганлар. Жасад суяклари кушлар, ёввойи хайвонлар, курт-кумурскалар томонидан "тозаланган" ва мукаддас куёш нури остида маълум вакт тургач, уларни йигиб келиб хумларга (оссуарийларга) солиб ибодатхона баъзида эса уйлардаги махсус токчаларга куйганлар. Чилпик ёдгорлиги кадимги одамларнинг колдикларини олиб бориб куйиладиган мукаддас жойлардан бири деб хисобланади.

## 3-мавзу
## Коракалпок халкининг этногенези ва этник шаклланиши

Режа

1. Коракалпок халкининг этник шаклланиши
2. Апасиаклар ва аугасийлар
3. Печенеглар ва огузлар
4. Кипчаклар, кора бориклилар

Адабиетлар

1. Ахмедов Б. Узбек улуси. Тошкент, 1992
2. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Москва-Ленинград, 1950.
3. Иванов П.П. Новые данные о каракалпаках//Советское востокодение, 1945. т.3.
4. Zia Kurter. Karakalpak. Ankara, 1974.
5. Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа //Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. Москва, 1947. Вып.2.
6. Камалов С. Каракалпаклардын халык болып калиплесиуи хам онын мамлекетлигинин тарийхынан. Нокис. 2001.

Коракалпокларнинг келиб чикиш тарихи узок даврларни уз ичига олади. Милоддан аввалги УШ-1У асрларда Хоразмнинг шимолий-гарб ва шимолий-шарк чегараларида кучманчи ва ярим кучманчи сак-массагет, савромат-сармат кабилалари коныс басады. Сакларнинг маканлари Кызылкумнинг шимолида, Султануайс тоги марказида, Жанадарё ва Инкардарё этаклари, Узбой дарёси буйларидан топилди.Грек тарихчиси Страбоннинг маълуматига караганда массагетлар Каспий денгизининг шарк томонидага кенисликта Орол денгизига кадар худудларда тирикчилик этган. Милоддан аввалги 530 йили Иран подшоси Кир П Орол буйи худудларини босиб олмокчи булганида Узбой томонда массагетлар маликаси Тумарис "кудомиз куёш номидан онт бераман, сендей канхорга кон ичкизаман" деб уни ултирган. Геродот сакларнинг орасидаги энг кучлиси ва купчилиги массагетлар деп таъкидлаган. Коракалпоклардаги сакыу, самат этнонимлари уша массагетлар давридан сакланиб колган.

Милоддан аввалги УП-У асрларда Орол-Каспий денгизлари оролигида сак, массагет, дай, апасиак, исседон кабилалари хоразмлилар билан сиёсий-харбий иттифок тузган. Милоддан аввалги У1 асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Орол буйида пайдо булган сиёсий-харбий-демократик "Катта Хоразм" подшолигининг ташкил этилишида сак-массагет кабилалари фаол иштирок этган.

Массагетлар кабилалари оросидаги апасиаклар ва аугасийлар кавмлари коракалпокларнинг негизини шакллантиришда катта роль уйнаган. Профессор Т.А.Жданко апасиаклар ва аугасийлар турмушидаги оналик дастур коракалпок халкининг “Кырк-кыз” дастанида ифодаланган деб таъкидлайди. Апасиаклар Жанубий Орол буйида яшаган ва “денгиз саклари” деганни билдирса, аугасийлар Сирдарёнинг куйи худудларида яшаган ва “дарё саклари” деганни билдирган. Кадимги “дай” кавмлари атамаси коракалпокларнинг кият уруги “такай” тийраси, казахлардаги “адай” уруги номларида сакланган. Апасиаклар ва аугасийлар кигиз карауйларда турган, гуштни мол корнига солиб гомбе етип еган, бошларига кигиздан тикилган боши шошак малакай кийген. Уларнинг санъатида “хайвонат стили”, “кучкор муйиз”, атонак” каби накшлар, шунигдек “саукеле” каби хотин кизлар кийими булган.

Милоддан аввалги УП-У асрларда Орол буйи сакларининг антропологик келбатида монголоид белгилар сезила бошлайди. Хулоса килиб айтканда, коракалпокларнинг этник шаклланишининг **дастлабки катламида** сак-массагет, савромат-сармат, дай, апасиак ва аугасийлар кавмларининг иштироки устун булган.

Коракалпокларнинг этник жихатдан шаклланишининг **иккинчи боскичинда** туркий тиллаш кавмлар — гунн, теле, уйгыр, усун, кангар, канлы кавмлари билан бир каторда ира тилининг шаркий шакабчасида сойлеген асс, алан кавмлари иштирок этган. Кучманчи юечжи-тохарларнинг бир булими Орол буйига оролашади. С.П.Толстов тохарлар массагетлар иттифокига кириб бир гурухи шаркий Туркистонда, иккинчи гурухи Сирдарёнинг эски саласи Кувандарё куйи булагида яшайди ва милоддан аввалги Ш-П асрларда Хоразмга келади деб тастийиклайди. Хозирги коракалпокларнинг кыпчак уруги канлы тийраси эртадаги кангюйлар номи билан алокадардир. “Авесто” китобида шаркга карай канатли от билан учуб юрадиган элнинг номи “тур”, уларнинг макани “Туран” деб аталган. Милодий П-1У асрларда Каспий денгизи шимолий далаларида, Орол денгизи шимолий-гарбий томонида, Сирдарёнинг урта ва куйи ерларида асс, аорс, алан кавмлари яшаган. Устюртда хозирги замонда Аланкала, Ассака ер номлари сакланган. Шунингдек, муйтен уруги таркибида теле, жауынгыр таркибида уйгыр тийралари номлари сакланган. Бердокнинг “Шажара” асарида “уйсин-кунгирод элинда” иборалари бор. Хулоса килиб айтканда **иккинчи боскичда** турки тиллаш кавмлар коракалпоклар этник шаклланишида купая боради.

Коракалпокларнинг этник шаклланишининг **учинчи боскичида** жетыасарлилар, айникса кердерлиларнинг урни билинади.УП-УШ асрларда Сирдарёнинг куйи томонидаги, Кувандарё ва Эскидарё ерларидан Амударёнинг Кердер ерига жетиасарлилар кучиб келган. Кердерлилар Токкала, Гяуркала, Куйиккала, Курганча, Хайвонкала, Порлытау, Кердер каби шахарларни курган. Орол денгизи Кердер кули деб оталган.

Кердерлилер Орол атрофида яшаган кенгерес, теле, гунн кавмлари билан аралашган жетиасарлыларнинг ва ушбу худудда иран дили шаркий диалектида гаплашган асс, алан, хоразмлилар билан аралашганинан шаклланган халкдир. Коракалпокларнинг муйтен уругининг битта тийреси аввали кердерли номланган.

Баскаков куйидаги шъерни езиб алган
Кердерлининг кизлари
Гезеген келеди,
Тунде журген жигитлерди
Сузеген келеди.

Кердерлилернинг дили хоразмлилар яки турк дилиге уксаш булмаган. Дарсан ва Миздахкан едгорликларинан топилган оссуарийларда вафот этган кишига йиглаб, кеуил ойтиш дастурлари намуналари ифодаланган. У1 асрда Орол буйида туркий езув пойда булади. Хулоса килиб ойтканида **учинчи боскичда** турк тиллес жетиасарлилар, айникса кердерлилер коракалпокларнинг этник шаклланишида катта роль бажарган.

**Туртинчи давр** милодий УШ-ХШ асрларни уз ичига олади. УШ=Х асрларда кадимги сак-массагет, савромат-сармат, кангюй, хунн-гунн, асс-алан, кердер, кангар кавм-

лари бирлашиб, огузларнинг катта сиёсий бирлашмасини тузади. Сирдарёнинг куйи окимидаги Янгикент шахари огузларнинг пойтахти булган. Махмуд Кашгарий огузларнинг 22 уругдан ташкил этганлигини езиб кетган. Огузларнинг этник шаклланишга таъсири куйидагилар билан тасдикланади. Огузларнинг хокими Ябгу деб аталган. Кыпчак уруги ябы-жабы тийраси бор.

УШ-1Х асрларда огузлар билан бир катарда Орол денгизи шимолида печенег кавмлари яшаган. 1Х асрнинг 80-йиллари хазарлар билан огузлар бирлашиб печенегларга топылады. Печенег-кангарлар Орол-Каспий оралигин ташлаб кетишади ва Балкан ярим ороли Византияга кадар макан босади. Печенегларнинг шаркий булими огузлар билан оралашиб Сарыкомиш ва Орол денгизи оралигида макан босади, иккинчи булими Хоразмда утроклашади, учинчи булими Сирдарёе куйи томонига кучади. Печенеглар давридан коракалпокларда кабасан, абаз ва бошка уруг номлари колган.

Х1-ХШ асрларда Шимолий ва Марказий Козогистон далаларида кучманчи кипчак кавмлари яшаган. 1064 йили кипчаклар огузларни Орол ва Сирдарё куйи ерларидан кувиб чикади. Кипчаклар урани токсоба, яъний туккиз уруг. Коракалпокларда кипчак уругининг хозирги вактгача сакланиши уларнинг коракалпок халкининг этник шаклланишида урта асрларда катта роль бажарганлигини курамиз.

1Х аср урталарида Киев Уруси томон борган печенег, торк, берендей, кипчак кавмлари урус летописларида кора бориклилар (черные клобуки) номи билан танилади. Мугулларнинг отланиши окибатида кора бориклиларнинг бир булими мугулларга хизмат этади, иккинчи булими гагауз халкини ташкил этади.

**Бесинчи давр** ХШ-ХУ1 асрлар. ХШ-Х1У асрларда Орол-Каспий оралигида кипчаклар билан бир катарда мангыт, кыят, конырат, найман, катаган каби катта уруг бирлашмалари ташкил этилган. ХУ-ХУ1 асрларда коракалпок улуси тузилади. Уша даврда Орол денгизи атрофида, Жейхун ва Сейхун дарёлари куйида коракалпоклар халк булиб шаклланиб узининг худудига, тилига ва маданиятига эга булади.

Хулоса килиб ойтганда коракалпокларнинг этник шаклланиш жараени милоддан аввалги УШ аср- милодий ХУ1 асрларда булиб утган.

**4-мавзу. Коракалпокларнинг илк давлатчилиги ва унинг ривожланиш боскичлари**

режа

1. Жанубий Орол буйларида илк давлатларнинг шаклланиши. ривожланиши, инкирози
2. Кердер давлати, унинг маданияти
3. Хоразмшохлар давлати, ривижланиши, инкирози
4. Ногай урдаси

адабиётлар


1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998.
2. Каримов И. А. Оллох калбимизда, юрагимизда. “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. Т., 1999
3. Абу Райхон Беруний. Кадимги халклардан колган ёдгорликлар. Т., 1968.
4. Зиё А. Узбек давлатчилиги тарихи. Т., 2000.
5. Узбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2002. Том 4.
6. Камалов С.К., Кощанов А. Каракалпакстан тарийхы. Нокис, 1993
7. Мамбетуллаев М., Туребеков М. Кубла Арал бойы халыклары тарийхынан. Нокис, 1997. 2-болим.
8. Мамбетов К. Каракалпак тарийхы. Нокис, 1996.


Ахеменийлар даврида (милоддан аввалги 558-329) Янгидарё ва Кувандарё куйидаги кучмали сак кавмлари ХУ сатрапия таркибига кириб, Бабиш мулла калъаси пойтахт булган. Бу даврда янги каналлар козилиб, дехкончилик ва хунардманчилик ривожланади, калъалар сони купайади. Масалан, Турткул туманидаги Дингильджи хавлиси милоддан аввалги 1-минг йиллик урталарида курилган, 17 кабатдан иборат булган. Хавли деволлари калинлиги 2 метр булган. Хавли уртосида 4 бурчакли хавзи булган. Бу даврда катта сув тармоклари. калъалар Гузелыкыр, Калъалыкыр, Базар калъа ва хунардманчилик маркази Кумбызтепа пайдо булади.

Милоддан аввалги 1У асрнинг сунгги шерагида саклар ва Хоразм уз мустакиллигига эришади. Хоразм подшоси Фарасман Искандар Зулкарнайн билан дустлик ва харбий иттифок тузади ва ахолини грек-македон хужумидан химоя килади.

Милоддан аввалги 1У-П асрлардаги катта дехкончилик оазислари Койкырылган калъа, Гауир-3, Айбугир калъа ва бошкаларда олов храмларининг топилиши бу маканда подшолик ва руханийлар меншик ерлари булганлигидан маълумот беради.

Милоддан аввалги 1У-П асрларда Амударё унг томонида Ток калъа, Султан Вайс тогларида Гауир калъа, Хужайли атрофида Гауир калъа, Аял калъа, чап тарафда Черменяб ёнида Гауир калъа, Хива, Топырак калъа, катта Айбугир, Дэвкескен калъалари курилади. Бу даврдаги калъаларнинг икки номлари булган: Кардар - Кардаранхас, Хива - Ардахива. Шунингдек, бу даврда Кят, катта Гулдирсин, Шахсенем, Коргасын калъалар вужудга келади.

Милоддан аввалги 1У-П асрларда Хоразмда арамей алфавити асосида ёзув пайдо булади. Койкырылган калъа, Аяз калъа-1, Бурлы калъа. Топырак калъа, Миздахкан, Ток калъа, Гауир калъа, катта Айбугир ёдгорликларидан ёзма манбалар топилди.

Хоразм ахолисининг маданияти антик даврдаги Сирдарё куйидаги, Амударёнинг Сарикамиш дельтаси ва Устюрт текислигидаги кучманчи кавмлар такдири ва маданияти билан чамбарчас алокада ривожланган. Масалан, милоддан аввалги 1У-П асрлардаги сак кавмлари ёдгорликлари Баландыдан йирткич хайвоннинг тошдан ясалган мусини, Чирик Раватдан суякга чизилган накшлар, Бабиш мулла махбарасидан безак токинчоклар бунга мисол була олади.

Хоразм милоддан аввалги 1У-П асрларда Сарикамиш, Устюрт текислигидаги кучманчи кавмларни уз химоясига олади.

Милоддан аввалги П асрда Орол буйларида кучманчиларнинг давлат бирлашмаси Кангюй пайдо булади. Кангюй подшолиги Сирдарёнинг урта худудида пайдо булиб,

унинг маркази Тошкент оазисида булган. Кангюй давлатининг ривожланган милоддан аввалги 1 асрда 120 минг лашкари булган.

Орол буйи ахолиси зардуштийлик динига ишонган, уларнинг кудаларининг бири оилани ва согликни химоялаган Фарн кудаси булган. Фарн кудаси кучкор куринишида булган. Кангюй устолари сополли идишларнинг туткаларин кучкор куринишида ясаган. Шунингдек, ахоли табиат, тирикчилик кудаси булган Куяш ва сувга хам сигинган.

Милодий 1-1У асрларда Хоразм ва Орол буйи ахолиси Кушан подшолиги таркибига кирмай, мустакил фаолият курсатган. Лекин, Ш асрда Хоразм ва Орол буйи юзаки Эронга карам булган. Шунга карамай, Хоразм бу даврда уз тангаларини чоп этган. Орол буйи ахолиси Хиндистан, Хитой, Эрон, Кавказ ва Кушан подшолиги билан Буюк ипак йули тармоклари буйлаб савдо сотик килган. Яксарт ва Устюрт текислигидаги кучманчи кавмлар кишлок хужалиги махсулотларига чарвочилик молларини олмаштирган.

Милодий 1У-У асрларда Жанубий Орол буйларига Сирдарёдан етти асарликлар, хунлар келади. Каспий-Орол уртасида алан кавмлари яшаган. Оролнинг шимолий-шаркий кисми Аланья деб ном олган. Хитойлилар бу давлатни Яньцай деб атаган. Хунларнинг Хоразм ва Орол буйи худудига юриши натижасида Кой кырылган калъа, Ток калъа вайрон булади. Канха калъа ёдгорлигидан одамнинг бош суяги топилган. У шангбар сифатида думалак булиб кисилиб чузилган. Олтой-Монголия шулида ясаган хун-турк кавмлари ахолиси дастури шундай булган.

У аср урталарида эфталийлар давлати вужудга келади. С.П.Толстовнинг фикри буйича эфталийлар 1У-У асрларда Амударё ва Сирдарё куйида яшаган сак-массагетлар авлодларининг хун-турклар билан кушилишидан келиб чиккан. Эфталийлар ва хионийлар Каспийнинг жанубий-шаркий томонида, Хоразмнинг шимолий туманларида яшаган. Кухна Уаз, Кангха каъла, Шоштепа ёдгорликлари бунга маълумот беради. Эфталийлар давлати 587 йили турк хоконлиги томонидан тор-мор килинади. У1-УП асрларда Жанубий Орол буйи ахолиси турклаша бошлайди ва монголоид расаси куринишлари вужудга келади.

УШ асрда араблар боскинчилиги натижасида Хоразм икки давлатчиликга булинади:

1. Пойтахти Кият калъаси булган жанубий Хоразм, уни афригийлар сулоласи бошкаради;

2. Пойтахти Кухна Урганч булган шимолий Хоразм, уни араблар куйган хокимлар бошкаради.

Жанубий Орол буйи ахолиси узок вакт уз динларига сигинишни давом этган, масалан, оловга, улилар рухига сигинган.

728 йили Кердер вилоятида арабларга карши кузголон булиб утади, уларни турк кавмлари куллаб-кувватлайди.

У1-УП асрларда Сирдарёнинг дельтасидаги етиасар кавмлари “боткокликлар маданиятини” ёритган. Улар Олтиасар, Жанкент, Кескенкубин шахарларини куради. Етиасарликларнинг иккинчи кисми хоразмликлар билан “Кердер маданиятини” пайдо этади. X1 аср араб-форси манбаларида Кердер “Курдер”, “Кардар” номи билан белгили булган. Кердер давлатининг пойтахти Кердер шахри булган. Ушбу вилоятнинг канали “Кердер” деб ном олган. Орол денгизи да “Кердер” деб ном олган.

Кердер давлатининг У1-УШ асрлардаги тарихи хакида Ток калъа, Гауир калъа (Хужайли), Куйик калъа, Кирк йигит калъа, Кирон тов, Хайвон калъа, Багдат калъа ёдгорликлари маълумот беради. Орол денгизи шимолида Устюрт текислиги шаркий кисмида У1-УШ асрларда кердерликларнинг ёввойи хайвонларни овлаган уринлари топилди.

УШ аср охири - X1 аср урталарида Кердерликлар Хоразмда афригийлар-сомонийлар сулолалари билан яхши муносабатда булган. Бу даврда Дарсан, Хайвон калъа. Миздахкан, Вардарач (Кирон тов), Дори калъа, Кокше калъа ва бошкалар ривожланган.

Кердерликлар Амударё дельтасига, Шуртонбай буйларига дехкончилик килиб, бугдой, жугари, орпо, маш, тори эккан. Урик, шабдал, шийе, ковун, тарбуз, аскабак эккан. Узимгарчилик ривожланган. Абу Хамад ал-Гартани 1135-1136 йиллари Жанубий Орол калъаларида булганда “бу ёрда мазали ок ва кизил узимлар куп, уларни кишта осиб саклайди. Олма, олмурт, онар калъа бозорларининг куркини чикариб туради. Жанубий Орол буйи халклари уртасидан юртка тонилган отакли олимлар, шойирлар чиккан” деб ёзган. Кердерликлар йирик кора мол, куй, эчки, чучка, от, эшак, паранда боккан. Улар жейран, куян, тулки, порсик ва бошка ёввойи хайвонларга овчилик килган. Кердерликлар созон, сила, сувен, шуртон, илака овлаган.

Кердер вилоятининг тангалари УП-УШ асрлардан белгили булган. УШ аср бошида мустакил Кердер вилояти хокими Хосраунинг тангалари чиккан. Танганинг унг томонида икки уркашли туя куринишида тож кигиб утирган хоким расми, иккинчи томонида шанички тамгаси чизилган. УШ аср урталаридаги мис тангаларда олдинги оягини кутариб турган от расми чизилган.

Кердер ахолиси хоразм ёки туркча эмас, балки эфталий диалектида гапирган.

Миздахкан оссуарийларида христианларнинг отанак (крест) тарзли белгилари Кердер вилоятида христианларнинг несториан сектаси урф-одатлари таркалганидан маълумот беради. Лекин зардуштийлик дини давлат дини булган.

Х1 асрда Сирдарё куйида сиёсий-харбий хукмдорлик кипчоклар кулига утади. Х1 аср урталарида Дашти Кипчок иттифоки ташкил топади, кипчоклар, печенег, карлук, огуз, кердерликлар ва хоразмликлар билан яхши муносабатда булган.

Мугуллар боскинчилиги даврида Кердер вилояти вайрон этилиб, Джучи улусига буйсинади.

## 5-мавзу. Жанубий Орол буйлари X-X1У асрларда

режа

1. X-X1 асрларда Огуз ябгуларининг давлати.
2. Жанубий Орол буйлари салжукийлар хукмронлиги даврида.
3. Жанубий Орол буйларини мугулларнинг босиб олиши.
4. Жанубий Орол Олтин Урда ва Амир Темур давлати даврида.

Адабиетлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент, 1998.
2. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации, Москва, 1948.
3. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-ануштегинов. Москва, 1986.
4. Кдырниязов М.-Ш. Алтын Орда дауириндеги туслик Арал бойы мадениялы. Нокис, 1993.
5. Хоразм тарихи. Урганч, 1996. 1-жилд.
6. Камалов С., Кощанов А. Каракалпакстан тарийхы. Нокис, 1993.

Ғарбий турк хоқонлигининг таназзулидан кейин ташкил топган йирик этник уюшмалардан яна бири Ўғуз (араб-форс манбаларида гуз) этноси бўлган. Булар ҳақидаги аниқ маълумотлар даставвал IX-X асрларга оид араб-форс тилида ёзилган ва географик асарларда қайд қилинган. Шу асарларда булар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Орол денгизига яқин чўлларда, ҳозирги Туркманистоннинг ғарбий минтақаларида яшаганлар. Истахрийнинг маълумотларига қараганда, унинг даврида (X аср) ўғузлар Каспий денгизининг шимоли-шарқий қисмидаги чўлларда ҳам яшаганлар. Ўғузлар билан қўшни халқлар қаторида Истахрий ғарбда - хазарлар, шарқца Волга бўйи булғорларни, шимоли-шаркда - кимакларни, шарқда қарлуқларни эслатиб ўтади. Ўғузларнинг шу ҳудудларда яшаганлиги Масъудий (X аср) ва бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам қайд қилинган.

Манбаларда келтирилган маълумотлардан ўғузлар IX-X асрларда жуда катта кенгликда жойлашган бўлган деган тушунча ҳосил бўлган.

Уғузларнинг асосий қисми IX-X асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Орол денгизининг жануби-шарқий ва шимолий-шарқидаги чўлларда жойлашган эди.

Араб-форс тарихий-географик асарларида ўғузлар ҳақида аниқ маълумотлар IX-X асрларга оид бўлса ҳамки, улар Сирдарё ва Орол денгизи яқинидаги чўлларда ўша асрларданоқ, яшаб келган бўлиши керак. Милодий VII асрнинг 40 йилларида Ғарбий турк хоқонларидан бири Ибн Шугун-хон Жунғорияда тобе этган қабилалар қаторида гусу (гусу) этнонимини ҳам тилга олади. Таниқли хитойшунос олим Ю. К. Зуев бу атамани (гу-су)ни ўғуз (ғуз) этноси билан тенглаштиради.

Ал-Масъудий (X аср) Сирдарё бўйларида яшовчи ўғузларни (ғузларни) тилга олиб, улар учта: қуйи, юқори ва ўрта гуруҳлардан иборат бўлган. Бу гуруҳлар «туркларнинг энг жасурларидан» деб ёзган эди. Масъудий уч гуруҳли ўғузларни бошқа турк-лардан бўйларининг пастлиги, кўзларининг кичиклиги (қисиқлиги) билан фарқ қилишини таъкидлаган.

Сирдарё ва Орол денгизи яқинидаги яйловларга келиб яшаётган ўғузлар, бу ерларда, улардан олдин яшаган бир неча қабилаларни тобе этиб, ўзларига қўшиб оладилар: печенег (бижанаг), қанғар (қанғли) ва абдал этнослари шулар жумласидандир. Уғузлар таркибига, шу ҳудудларда қадимдан яшаган сак-массагетлар қабилаларининг турклашган авлодлари (масалан аслар) ҳам кирган бўлиши керак. Кимаклар таркибидаги байнадур қабиласининг катта бир гуруҳи ўғузларга келиб қўшилган. VIII-IX аср давомида Жунғория, Шарқий Туркистон ва Еттисувда яшовчи қабилалар (қай, сариқ, баёт, мукри ва бошқалар) ёки уларнинг айрим гуруҳлари ҳам Сирдарё соҳилларига кўчиб келиб ўғузларга қўшилган. Шундай қилиб, ўғузлар VIII-IX асрлар давомида Сирдарё ва Орол денгизи яқинидаги ҳудудларда йирик қабила иттифоқини ташкил этадилар; IX аср

охирларида бу қабила иттифоқи асосида ўғуз давлати вужудга келади. Ўғуз ябғуларининг қароргоҳи Янгикент шаҳрида бўлган.

Махмуд Кашгарий “огузларнинг шахарлари жуда куп, улар гарбдан шаркга бирининг кетидан чузилиб курилган” деб ёзади.

Огузлар хокими Янгикентда яшаган. Бу шахар араб манбаларида Карьят-ал-Хадиса, форс манбаларида Дех-и-Нау, кадимги сармат-алан манбаларида Нау-керде номи билан белгили булган.

Ибн Фадлан Х асрда огузлар орасида унлаган минг от ва юзлаган минг куй-эчкиси бор кучманчи чорва аристократлар (бойлар) Огуз давлатини бошкарганини ёзиб кетган. Енди бой чорвалар кадимги дастурлар буйича Хоразм шахарларига боскинчи сифатида эмас, балки уз молларини олмаштириш учун савдагар сифатида келади. Огузлар орасида ахоли кучманчилар ва ятук (джатак) булиб булинган экан.

Х1 асрнинг 30-йиллари Огуз давлати кучманчи кабилалардан уз иттифокдошлари хисобидан кучаяди. Огузлар давлати бу даврда жанубий-шаркда Тараз ва Шош билан, Кувандарё ва Янгидарё билан, гарбда Челкар ва Иргиз дарёлари билан, шимолда Урал ва Устюрт текислиги билан чегара тузади.

Лекин, Огузлар давлати Хоразмнинг иктисодий ривожланишига хафв тугдиради. Устюрт текислигида хоразмликларнинг мудофаа кургонлари пайдо булади. Бу башня тарзли кургонлар душманлар хакида маълумот берган экан. Бир биридан 20 км ораликда курилган башня-кургонлардан берилган хабар Хоразм пойтахти Кухна Урганчга 30 дахикада етиб келган.

Шу вақтда Хоразмда Африғийлар сулоласи Чоғон номли киши Хоразмшоҳ эди. Унинг укаси Хурзод Хоразм шаҳарларидан бирини ҳокими бўлган эди. У ўз атрофига ишонарли кишиларни тўплаб акаси Чоғонга қарши фитна уюштиради. Бу мушкул вазиятдан чиқиш учун (ўз кучига ишонмасдан) Чоғон араб Қутайбага яширин элчи юбориб, ундан тезда Хоразмга етиб келиб ёрдам беришини илтимос қилади. Қутайба Чоғоннинг илтимосига амал қилиб Чоғон билан қўшилиб, биргаликда 712 йили Хоразмга қўққисдан ҳужум қилади. Ғафлатда қолган Хурзод енгилади ва ўлдирилади. Унинг тарафдорлари ҳам (Чоғоннинг илтимоси билан) батамом қириб ташланади.

Берунийнинг ахборотидан маълум бўлишича, Қутайба ва унинг бошчилигидаги араб қўшинлари Хоразмга кириб, унинг маданиятига катта зиён етказадилар.

Улар шаҳарларни вайрон қилиб, ёзма манбаларга ўт қўядилар. Шаҳарга кирган аскарлар қадимги Хоразм ёзувларини билган донишмандларга нисбатан бераҳм бўладилар, уларни ўлдирадилар. Хоразм халқини қадимги маданиятини ва башарият тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ривоятларни кўкка совуришга ҳаракат қиладилар. Лекин Хоразм халқи араб истилосидек оғир шароитда ривоятларни огзаки равишда бўлса ҳам сакдаб қолишга ҳаракат қилди. Уларни авлоддан-авлодга ўтказиб, асрлар оша ворислар хотирасига ҳавола этди. Араб истилочиларининг мудҳиш ҳаракатлари ҳақида Беруний шундай ёзади: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди».

Х1 аср биринчи ярмида огузлар давлати Хоразм билан урушда маглубиятга учраб, ижтимоий-сиёсий инкирозга тушади. Шундай огир вазиятда Янгикент хокими Али узининг угли Дженд шахри хокими Шах Мелик билан тахт учун тухнашади. Шах Мелик дадаси устидан галабага эришиб, Али тарафдарлари Хоразмга кочиб кетади. Лекин салжукийлар Шах Меликга зарба беради. 1040 йили салжукийлар газнавийлар давлати урнида узларининг империясини ташкил этади. 1041-1044 йиллари Шах Мелик Хоразмни босиб олиб, Огуз-Хоразм подшолигига хукмронлик килади. Лекин, 1044 йили салжукийлар Хоразмни босиб олиб, Шах Мелик Эронга кочиб етади. 50 йил давомида Хоразм салжукийларга карам булади. 1065 йили Фагфур. Джази ва Кафшат рахбарлигида салжукийларга карши кузголон кутарилади, лекин султон Алп Арслан уни бостиради.

1117-1127 йиллари Кутбеддин Мухаммад 1 ибн Ануштегин даврида Хоразм аста-секин кутарила бошлайди. Унинг угли Отсиз (1127-1156) даврида Хоразм салжукийлар билан коракитойликлар уртасида колади. Отсиз иккита давлатга да буйсиниш вадаларини бериб, аста-секин Хоразм худудини кенгайта бошлайди, Мангишлок, Дженд вилоятларини узига кушиб олади.

Алаэддин Текеш ибн Иль-Арслан (1172-1200) даврида Хоразм урта аср империясига айланди. Текешнинг угли Алаэддин Мухаммад П (1200-1220) отасининг ишини давом этади, Самарканд ва Отрарни босиб олади, Дашти Кипчокга юриш ташкил этади. Хоразм армиясининг асосий харбий кучлари ялланма канглы ва туркманлардан иборат эди. ХП аср давомида хоразмшохлар ушбу кабилаларнинг кизларига уйланган экан. Хоразмшохнинг катта хотини кадимги турк номи билан "хатун" деб аталган. Хоразм учун Туркан хатун трагедик роль уйнаган.

Мўнғулларнинг босқини XIII асрнинг биринчи чорагида юз берган энг мудҳиш фожеа бўлган. Улар Марказий Осиёга, жумладан Мовароуннаҳрга, Хоразмга босиб кириб қишлоқ ва шаҳарларини харобага, экин ерларини эса яйловга айлантирдилар. Аҳолини талаб қириб, қўлларини банди қилиб Мўнғулистонга ҳайдаб кетадилар. Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларнинг аҳолиси кескин камайиб кетади.

Маълумки, XIII асрнинг 60-йилларига келиб Мўнғул империяси емирила бошлаши натижасида Чиғатой давлати вужудга келган эди. Бу давлат Ила дарёсининг жануби-шарқий минтақаларидан то Амударёгача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олган бўлсада, Чиғатой давлати барқарорлашган давлат эмас эди. Чиғатой ворисларининг ҳокимият учун олиб борган мунтазам курашлари натижасида мазкур давлат XIV асрнинг 40-йилларига келиб икки - шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Бунда Сирдарё ҳар иккала давлат ўртасидаги чегара бўлиб қолди.

Шу даврдан бошлаб мамлакатнинг шарқий қисми «Мўнғулистон» ёки Жетс деб аталган. Бу ҳудудда яшовчи мўнғул қабилалари XIII-XIV аср ўрталаригача тил жиҳатидан батамом туркийлашган эдилар. Туркийлашган мўнғул қавмлари тарихий манбаъларда «мўғўл» деб номланган.

Мўнғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII-XIV асрнинг биринчи ярми) Мовароуннаҳрга мўнғул ва турклашган мўнғул қабилаларининг кўчиб келиши жадаллашади. Шу асрларда олчин, дуғлат, мўнғул, сулдуз, ўирот, бахрин, маркит, манғит, қўнғрот ва бошқа қавмларнинг айрим гуруҳлари кўчиб келган. Лекин улар сон жиҳатидан ерли аҳолига нисбатан унча кўп бўлмаган. Бу қабилалар кўчманчиликда кун кечирган. Маҳаллий аҳоли таъсирида уларнинг аксарий кўпчилиги шу асрларда ярим ўтрокдикка ўтиб, чорвачилик билан бир вақгда деҳқончилик ҳам қилганлар.

Икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғидаги Хоразмда ва Тошкент воҳаси аҳолисининг асосини Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳам туб ерли аҳоли ташкил қилган. Муқим яшовчи ўзбек аҳолиси кўп асрлар давомида туркий этносларнинг сўғд-тожик ва бошқа халқлар билан аралашиб, қоришиб бориши жараёнида шаклланган. Бу жараён XIV-XV асрларда ва ундан кейинги асрларда ҳам давом қилган.

Турғун яшовчи маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ўзбек ва тожиклар ташкил қилган. Булар олдинги асрлардагидек бу асрларда ҳам деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан, қисман чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Фарғона, Тошкент ва Хоразм воҳаси аҳолисининг катта қисми ўзларини сарт деб атаганлар. Сўзсиз сарт атамаси этник ном эмас, бу атама муқим яшовчи аҳолининг йиғинди номи бўлган.

Турғун аҳолининг айрим гуруҳлари турк этник номи билан маълум эди. Турк хоқонлиги инқирозга учрагач турк элати тарқалиб кетган. Мазкур элатнинг озроқ қисмитина турк этник номини сақлаб қолган. XIV-XV аср ва кейинги асрларда турк этник номи билан аталиб келган гуруҳлар илк ўрта асрларда парчаланиб кетган турк элатининг кейинги авлодлари эдилар. Булар асосан Фарғонада Зарафшоннинг тог олди минтақаларида, ҳозирги Узбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларида яшаганлар. Туркларнинг кўпчилиги асрлар давомида маҳаллий ўзбек аҳолиси билан

аралашиб, қоришиб кетган. Лекин уларнинг айрим гуруҳлари яқин вақтларгача ўзларини турк этник ном билан атаб келганлар. Бу турклар ярим ўтроқликда яшаб анъанавий чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланган.

Адабий тилнинг олдинги асрларга нисбатан ривожланган тури шаклланади. Бу адабий тил, тилшуносликка оид адабиётларда «туркий» ёки «чиғатой» тили деб номланган.

Ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан яқин алоқалар натижасида ривожланган. Икки дарё (Аму ва Сирдарё) оралиғида яшовчи аҳолининг (хусусан Бухоро воҳасида Самарқанд ва унинг атрофлари, Фарғона воҳасининг бир қанча қишлоқларида) туркий тилда сўзлашувчи аҳолининг маълум қисми тожик тилида ҳам эркин сўзлаша билганлар. Ўқимишли ўзбеклар тожик тилида ҳам ёзганлар, адабий ва тарихий асарлар яратганлар. Алишер Навоий айтганидек туркийларнинг барчаси - ёшлар, қарилар, хизматчилар ва беклар сарт тилини тушунганлар; улар бу тилни шу даражада билардиларки, қийналиб қолганларида гапларини тушунтириб бера олардилар. Уларнинг айримлари эса бу тилда усталик билан гаплашардилар. Турк шоирлари бу тилда нозик шеърлар ёзардилар ва нутқ сўзлардилар. Маҳаллий аҳолидан ташқари Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда оддинги (VIII-XIII) асрлар давомида келиб ўрнашган туркий этник гуруҳлар (яз, уз, аргу (арғун), тухси, яғмо, дулу (дуғлат), қарлуқ, чигил, халач, туркеш, қанғли, қипчоқ, ўғуз ва бошқалар) ҳам яшаганлиги ҳақида оддинги бобларда гапирилган эди. Мовароуннаҳрга булардан олдинроқ келиб яшаган айрим қавмлар (масалан, аз, ул, тухси) маҳаллий аҳолига аралашиб, ўз этник номларини унутиб юборган эдилар. Аммо буларнинг Даштиқипчоқда, Еттисувда яшовчи гуруҳлари эса XIV-XV ва кейинги асрларда ҳам яшаб бу ҳудудларда юз берган сиёсий воқеаларда фаол қатнашиб келган.

Шу асрларда Мовароуннаҳрда яшовчи салмокди этник гурухлар қарлуқ, чигил, халачи, аргин, қипчоқ, ўғуз қавмлари эдилар. Буларнинг ҳам кўпчилик қисми XIV-XV асрлар давомида турғунлашиб, маҳаллий аҳолига аралашиб кетган эди. Уларнинг фақат унча катта бўлмаган гуруҳлари ярим ўтроқликда яшаб деҳқончилик билан бир вақтда анъанавий машғулотлари - чорвачилик билан шуғулланиб келганлар.

Қанғлилар - қадимги қанғар элатининг кейинги авлодлари. Чингизхон босқинигача буларнинг айрим гурухлари Хоразмда, Самарқанд шаҳрида ва унинг атрофларида яшар эдилар. Буларнинг асосий қисми Даштиқипчоқда, Балхаш кўли атрофида, Ила дарё соҳилларида кўчиб юрганлар. Амир Темур ҳукмронлик қилган йиллари қанғлиларнинг унча катта бўлмаган гуруҳлари Даштиқипчоқцан Зарафшон, Тошкент воҳасига кўчиб келиб ўрнашган. XIV-XV асрларда эса улар ўтрокдашиб маҳаллий аҳолига аралашиб кетган.

Қарлукдар XIV-XV асрларда икки этник қатламдан иборат эдилар. Биринчи қатлам Фарғонада, Тошкент воҳасида, Тоҳаристонда милодий VI асрдан буён яшаб келган қавмлар бўлган. Булар асрлар давомида маҳаллий аҳолига аралашиб, асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Лекин булар ўз этник номларини унутмай (қарлуқ номини) сақлаб келган эдилар.

Иккинчи қатлам мўнғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII-XIV асрнинг 60-йиллари) ташкил топган. Шу асрларда қарлуқларнинг айрим гурухдари Ила дарё соҳилларидан ва Еттисувдан кўчиб Тошкент ва Зарафшон воҳаларига, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий вилоятларига келиб ўрнашиб, бу ерларда олдиндан яшаган қарлуқлар билан қўшилган эдилар. Қарлуқларнинг бир гуруҳи XV асрларда Фарғона водийсида яшаган. Қарлуқларнинг маълум қисми шу асрда Даштиқипчоқда кўчиб юрган. Бу қарлуқлар Шайбонийхоннинг бобоси - Абулхайрхоннинг Иртиш бўйларидаги Тура (Тори) шаҳрини эгаллашда кўмаклашганлар. Ана шу қарлуқлар Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрни эгаллаш учун олиб борган ҳарбий юришларида ҳам фаол қатнашган.

Қарлуқларга қардош халач ва чигил этник гуруҳлари ҳам XIV-XV асрларда Зарафшон воҳасида ва Тохаристонда яшар эдилар. Булар ўз вақтида Мовароуннаҳрнинг

сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар. Аммо кейинги асрда (XIII аср) мўнғуллар қирғинига учраб, кескин камайиб кетган. Уларнинг омон қолганлари ўтроқлашиб, маҳаллий аҳолига аралашиб кетган. Халач ва чигилларнинг маълум қисми ўз этник номларини бизгача сақдаб келган.

XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва унга туташ минтақаларда яшовчи салмоқли этнослардан бири аргинлар бўлган. Буларнинг аждодлари VIII-XII асрлар давомида кўчиб келиб Тошкент воҳасида, Фарғона водийсида (Ўзган атрофларида), Зарафшон воҳасида ва ҳозирги Сурхондарё вилоятининг айрим туманларида яшаганлар. Аргинларнинг баъзи гуруҳлари ўғузлар таркибида бўлиб XI асрларда Хуросон ҳудудига бориб ўрнашганлар. Бу асрларда келган аргинларнинг анчаси ўтроқлашиб кетган эди. Шунга қарамасдан буларнинг салмоқли қисми XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган. Булар асосан Фарғона водийсида, Сурхон-Шеробод водийсида ва Афғонистонда ўрнашган эдилар.

Аргинлар Амир Темурни тан олган қирқта ўзбек қавмларидан бири бўлган Аргинларнинг уруғ ва қавм бошлиқлари Темур ва Темурийларнинг энг ишончли кишиларидан эдилар. Жаҳонгир даврида булар жуда катта имтиёзли ер эгалари - Тархонлар ҳисобланганлар. Булардан чиққан амирлар айрим вилоятларда ҳокимлик қилганлар. Масалан, Султон Хасайн Қоракўл туманининг ҳокими, Маҳмуд Муқим - Қобул ҳокими ва бошқалар. Аргинларнинг юқори табақадаги кишилари Темурийлар хонадони билан қариндошлик муносабатида ҳам бўлиб келганлар.

Маълумки турк хоқонлиги инқирозга учрагандан кейин дулуларнинг айрим гуруҳлари ўз юртларини ташлаб бошқа юртларга бориб яшайдилар. Лекин уларнинг маълум қисми аждодлари яшаган ҳудудларда (Ила воҳасида, Еттисувда) қолиб кейинчалик дуғлат номи билан тарихий манбаларда қайд этилган бўлиши керак. Тариҳдан маълумки Чингизхон ўлимидан олдин, ҳукмронлик қилган мамлакатларни ўғилларига бўлиб берган. Бунда Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойга Ила воҳаси, Еттисув, Шарқий Туркистон, Туркистон (Туркистон шаҳри ҳақида гап кетаяпти шекилли) ва Моварауннаҳр теккан эди. Кўриниб турибдики, дуғлат (дулулар) яшаган ерлар ҳам Чиғатой улуси таркибида бўлган.

Чиғатойга теккан ерлар қаторида Манглай Суба (куёш томонга қараган ер), мулки ҳам бўлган.

Мазкур мулк Шош, Чалиш, Иссиққўл ва Сариғуйғурлари ҳудудлари билан чегарадош эди. Қашғар ва Хутон ҳам Манглай Суб таркибига кирган. Шундай катта ҳудудни қамраб олган мулкни бошқаришни Чиғатой дуғлатларга топширган.

Бу мулкнинг биринчи ҳукмрони Амир Бойдаган бўлган. Ундан кейин бу мулк унинг ворисларига мерос бўлиб, наслдан-наслга, асрдан-асрга ўтиб XVI аср ўрталаригача етиб келган. Таъкидлаб ўтиш жоизки Амир Бойдаганнинг кейинги ворислари даврида мулкнинг чегараси қисқариб фақат Қашғар билан чегараланиб қолган.

Дуғлатларнинг айрим гуруҳлари XIV-XV асрларда Моварауннаҳрга келиб ўрнашган. Булар Фарғонада, Самарқанд, Қоратегин, Ҳисор ва бошқа вилоятларда тарқоқ ҳолда яшаганликлари Бобурнинг «Бобурнома» асарида эслатилган. Ҳисорда яшовчи дуғлат султонлари Бобурга беғараз хизмат қилганлар.

Моварауннаҳрда яшовчи этник гуруҳлардан бири ўғуз-салжуклар эдилар. Булар асосан Нурота тоғ этакларида, унга туташ чўлларда яшаганлар. Ўғуз салжуқ гуруҳлари бу ҳудудларга VIII-X асрлар давомида келиб ўрнашган.

XI аср бошларида ўғуз-салжуқларнинг катта гуруҳи Хуросонга ва Балх ҳудудига бориб шайдилар кейинчалик ўғуз-салжуқлар ғарбга силжиб Олд Осиёдаги қатор мамлакатларини тобе этадилар (Бу ҳақца юқорида гапирилган эди). XIV-XV асрлар давомида Даштиқипчоқцан ва бошқа ҳудудлардан Моварауннаҳрга яна бир-қанча ўғуз, салжуқ-туркман гуруҳлари кўчиб келади. Айни шу асрларда оқ-қуйли, қора-қуйли, ё бу ва бошқа туркман қавмлари келган эдилар. Туркманларнинг қора-қуйли қавмидан бир гуруҳи (4-5 минг киши) Ҳисор воҳасига бориб ўрнашганлар. Бу гуруҳ Бобур Мирзонинг ёзишича Озарбайжон ва Эрон заминидан кўчиб келган.

Асрлар давомида ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган ўғузлар ва салжуқ-туркманларининг бир қисми бу даврда ўтроқлашган. Уларнинг маълум қисми ярим кўчманчиликда кун кечириб, чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Улар ўз навбатида ўзбек этник гуруҳларига аралашиб ҳам кетган эдилар. Шунинг учун ҳам бўлса керак кейинги авлодлари ўзларини ўзбек туркманлари ёки «Нурота туркманлари» деб атаганлар.

Андижон вилоятининг жанубида, тоғли ҳудудларда чиғроғ (чиғрак) деб аталган этник гуруҳ яшаган. Улар ҳақида Бобур Мирзо шундай ёзган эди: «Андижон вилоятининг саҳронишинларидан бир чағрак элдир, қалин элдур. Беш-олти минг уйлуқ эл бордур. Фарғона билан Қашғар орасидаги тоғда бўлурлар. Отлари кўп ва қўйлари қалиндур». Чағракларнинг баъзи гуруҳлари қипчоқлар билан бирга XI асрнинг биринчи яримларидаёқ Хоразм ўлкасининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Тахмин қилинишича, чағраклар қипчоқ қабилаларидан бири бўлиб, XI-XII асрларда Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларига келиб ўрнашиб қолган.

Бобур Андижоннинг жанубидаги тоғли ҳудудларда, чағраклардан ташқари яна ашпор ва турклар чорвадор қабилаларни тилга олади. Бу қавмлар Бобур қўшинларини от ва чорва моллари билан таъминлаб турганлар.

Баъзан Бобур уларнинг ўзаро рақобатлари натижасида олиб борган курашларидан ҳам фойдаланган.

Чингизхон бошлиқ мўнғуллар Мовароуннаҳрга бостириб келмасдан олдин, бу ҳудудда қоракидан (қора-хитой) қабила иттифоқига мансуб айрим этник гуруҳлар яшаган. Қоракидан (қорахитой)лар бир неча асрлар давомида маҳаллий халқлар билан ёнма-ён яшаб, улар билан аралашиб ўз тилларини батамом унутиб, туркийлашиб қолган эдилар. Қоракиданларнинг Мовароуннаҳрга кўчиб келган гуруҳлари асосан Зарафшон воҳасида, унга туташ даштчўлларда, қисман Фарғона водийсида яшаб чорвачилик, қисман деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Қоракиданларнинг асосий қисми XIV-XV асрларда Еттисувда ва Даштиқипчоқда яшаб, чорвачилик билан шуғулланар эдилар.

Мовароуннаҳрнинг ярим ўтроқ аҳолиси мамлакатни идора қилишда ҳамда ҳарбий юришларда Амир Темур ва унинг ворисларига таянч бўлган. Темур тузукларида қайд этилишича, Амир Темурнинг қарамоғида қирқ аймоқ бўлиб, булардан ўн иккитаси, чунончи: барлос, тархон, аргун, жалойир, тулкичи, дулдай, мўнғул, сулдус, тугой, қипчоқ, орлот тоторлардан хон навкарлари ташкил қилган ва булар Соҳибқироннинг энг ишончли ҳарбий (гвардиячи) қисмлари ҳисобланган. Қавмларнинг ҳар бири алоҳида ҳудудларга эгалик қилганлар.

Бу даврда армияни жанговар отлар билан таъминлаш зарур бўлган. Зотли отларни фақат чорва билан шуғулланиб келган қавмлар берар эди. Армиянинг асосий қисми ҳам шу қавмлардан тузилган. Қўшинларни озиқ-овқат билан, ярoқ-аслаҳалар, чодирлар ва бир қанча бошқа буюмлар билан таъминлашда ҳам қавмларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Юқорида эслатилган энг эътиборли 12 та этник гуруҳнинг ичидан Амир Темур истеъдодли кишиларни танлаб, уларни юқори лавозимларга (мингбоши, амирлик ва бошқа) тайинлаган. Йирик ҳарбий саркардалар кўпинча барлослардан тайинланган. Соҳибқирон жалойир, арғун, қипчоқ ва бошқа қавмларга ҳам ишонч ҳосил қилиб, уларнинг ичидан салоҳиятли кишиларни танлаб, юқори лавозимларга тайинлаган.

Мовароуннаҳрда яшовчи юқорида номлари қайд қилинган қабилалар Амир Темур ҳукмронлигида жуда катта имтиёзларга эга бўлганлар ва натижада улар ўзларини ҳаддан ташқари эркин тутган. Самарқандда Амир Темур саройида XV аср бошида бўлган Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо қавмлар ҳақида гап кетганда, булар «ҳарбий хизматга чақирилганда, жангларда қатнашишларини пеш қилиб «подшога» солиқ ҳам тўламаганлар» деб ёзган эди.

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда илк ўрта асрларда ва ундан кейинги асрларда келиб жойлашиб қолган араблар ҳам яшар эдилар. Сон жиҳатидан улар кўп бўлмаганлар. Араблар асосан Бухоро воҳасида, Бухоро шаҳрида, Самарқанд ва Каттақўрғон

атрофларида, ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқоқ ҳолда яшаган. Араблар ярим ўтроқликда кун кечириб чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Улар асосан зотли қоракўл қўйларни сақлар эдилар.

Бу даврда Амир Темур истило этган мамлакатларидан асосан Олд Осиё мамлакатларидан бир гуруҳ аҳолини Мовароуннаҳрга кўчириб келган. Кўчириб келинганлар қаторида Клавихо арабларни, туркларни, арманларни тилга олади. Кўчириб келтирилганларнинг асосий қисмини ҳунарманд-ноиблар, олим-фузалолар ва бошқалар ташкил қилган. Масалан, Дамашқдан соҳибқирон ҳар хил ипакли матоларни тўқийдиган усталарни ва шуларга ўхшаш тоифадаги ҳунармандларни кўчириб келган эди. XV асрда яшаб ўтган тарихчи Фосиҳ Хавофийнинг қайд қилишича, Хоразмдаги қурувчилар ва ҳунарманд усталар қаторида юрт оқсоқоллари ва бу юртнинг номдор кишилари ҳам кўчирилган. Шаҳрисабзда қад кўтарган Оқ сарой Хоразмдан кўчириб келинган усталар қўли билан қурилган.

Кўчириб келтирилганлар асосан Самарқанд атрофларида, ҳамда Зарафшон воҳасининг бир қанча туманларига жойлаштирилган. Буларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрда абадий қолиб, кейинчалик маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Кўчириб келтирилганларнинг айримлари (масалан эронийлар) гуруҳларга бўлиниб яшаб, ўз элат номларини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолганлар. Буларнинг айримлари ўз юртларига қайтиб кетган бўлишлари ҳам мумкин.

Амир Темур ўз юртида (Мовароуннаҳрда) яшовчи турли қавмлар ва элатларни аҳил яшаши учун барча чора-тадбирларни кўрган. У қавмлар ва элатлараро низоларга йўл қўймаган. Кимки садоқат билан сидқидилдан давлатга, ҳукмронга хизмат қилса соҳибқироннинг назар-эътиборидан четда қолмасди. Сотқинларни, ўғри ва бекорчи дайдиларни қаттиқ таъқиб остига олиб, уларни, қайси табақадан бўлишидан қатъий назар, жазога тортган.

Юқорида айтганимиздан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ўзбекларнинг асосини муқим яшовчи туркий тилли аҳоли ташкил қилган.

Ўзбек халқининг таркибига мўнғул тилли аҳолининг ҳам туркийлашган гуруҳлари кирган. Маълумки мўнғулларнинг асосий қисми шу асрларда Мўнғулистонда яшар эдилар.

Чингизхон босқинларидан кейин уларнинг айрим гуруҳлари Чиғатой улусининг шарқий минтақатарига (Еттисувда, Шарқий Туркистонга) келиб жойлашган эдилар. Булар маҳаллий аҳоли таъсирида тил жиҳатидан туркийлашиб, юқорида айтганимиздек, мўғул номини олган. Темур тузугида эслатилган мўғул этник гуруҳи шу келгиндилардан бўлган.

Мўғул гуруҳлари анъанавий чорвачиликни давом эттирганлар. Аммо қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган аҳолининг таъсирида мўғул гуруҳларининг маданиятида, турмуш тарзида, тилида ва руҳиятида кескин ўзгаришлар юз беради. XIV-XV асрларга келиб улар Мовароуннаҳрнинг барча туркий аҳолиси қатори, ўзларини турк ёки турк-чиғатой деб номлаши уларнинг ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради.

## 6-мавзу
## КОРАКАЛПОКЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИКТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АХВОЛИ
### (ХУ1- ХУШ аср биринчи ярми)

режа

1. Коракалпокларнинг ХУ-ХУШ асрлардаги ясаган худудлари.
2. Коракалпокларнинг ХУ1-ХУШ асрлардаги давлатчилиги.
3. Коракалпокларнинг кушни халклар билан алокалари.
4. Маданияти, дастурлари.

Адабиетлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Тошкент, 1998.
2. Жийен жырау. Поскан ел. Нокис, 1997.
3. Кырк-кыз. Нокис, 1997.
4. Мамбетов К. Каракалпаклар тарийхы. Нокис, 1993.
5. Юсупов О. Жанибек батыр, Маман батыр, Мурад шайык. Нокис, 1993.
6. Камалов С., Кощанов А. Каракалпакстан тарийхы. Нокис, 1993.

1340-йили Хоразмга келган араб саёхи Ибн Батута, Хоразмнинг жанубий томони шулистанга айланганлигини, Бухоро ва Урганч оролигида Кят каласидан бошка элатни курмаганлигини езган.

Икки-уч аср давомида Амударья куйида халк оз булган. Археологлар Х1У-ХУ1 асрларга тегишли едгорликларни топа олмади. ХШ-Х1У асрларда коракалпокларнинг катта булими Орол денгизининг жанубий томонига кучиб кетган. Бошка булими Кашка-дарья ва Сурхандарья томонга кучиб утган. Учинчи булими Хоразмнинг шимолий булимига Устюрт, Саркамыш, Узбой буйиларига кучиб кетган. Яна бир булими Волга буйиларига кетган. Х1У асрда Олтин Урда хони Узбекхон даврида коракалпоклар сиёсий вокеаларда катта урин эгаллаган. Бердак шойир “Шежире” асарида

“Сахра халкы кошип, гезбек,
Кэнтли жерден Уатан тузмек.
Калпактын углыдур Озбек,
Озбек йэкке болган екен” деп езган.

Бу маълумотдан Озбек хоннинг онаси коракалпок булган деген хулоса чикади.

1468-йилдан кейин Озбек хонлиги инкирозга учради. Козок хонлиги вужудга келди. ХУ аср окирида озбек хонлигидан коракалпоклар билан мангитлар булинип чикади. Бердак “Шежиреде” ойтиб утади:

“Муйтен, конырат, кытай, кыпшак,
Кенегес, мангыт, жуп теке так,
Бари алты урыу - каракалпак,
Озбектен айрылган екен”.

Дерлик юз йил коракалпоклар Ногай хонлиги таркибида булиб, уларни Едиге, Орысбий, Орманбет бий каби юртбосшилар боскарган.

ХУ1 аср иккинчи ярмида Ногай хонлиги катта инкирозга учрайди. 1556-йили Россия Астрахан хонлигини босиб олади. Едил ва Жайык буйиларидаги коракалпоклар 1578-йиллари Сирдарё куйига кучиб келади. Х1У-ХУП асрларда Амударё ва Сирдарё куйи худудларин ота-боболаримиз “Туркистон” деб отаган.

Бердак “Шежире” асарида:

Каракалпак хэм халык инсан,
Хэр нешик дини мусылман,
Ата журтыдур Туркистан,
Туркистанга барган екен деб езади.

Коракалпоклар ХУ1 аср иккинчи ярмидан буён козокларнинг Кичик юз, Урта юз хонларина сиёсий томондан богинган. Лекин улар уз давлатчилигина эга булган. Масалан,

1694-йили Тауке хоннинг угли Табурчак султон коракалпокларнинг хони булган. Тауке хон даврида коракалпокларнинг кыпшак майлы болта уругидан Сасык бий 18 йил давомида хон кенгашин бошкарган, 1680-1684 йиллари коракалпок, узбек, кыргыз, туркман халклари учун “Жети жаргы” (Ота конуни) нинг бош муаллифи булган.

1709 йили Табурчак султоннинг угли Гайып султон коракалпокларга хон булган. 1720 йиллари Ишмухаммед хон сайланган. Коракалпокларнинг пойтахти Сирдарё буйидаги Жанкент каласи булган. 1721 йили Ишмухаммед Россияга минг туядан иборат караван ташкил этиб, Петр 1 га дипломатик алока урнатиш таклифини айтади.

Лекин, 1723 йили жунгар хонлиги Козок хонлигига босиб кириб, коракалпоклар “юкорги” ва “куйи” коракалпоклар булиб иккига булинади. “Юкорги” коракалпоклар жунгарларга богинади, “куйи” коракалпоклар козокларнинг кичик юзи кул остида колади. Бу вокеа тарихда “актабан шубырынды” номи билан белгили.

Бу даврда коракалпоклар хони Гайып султон Россия пукаралигига утмакчи булади. Натижада 1730-йили Россия император хоними Анна Петровна козоклар ва коракалпокларни уз таркибига олади. Лекин коракалпоклар козок хони Абулхайыр хон кул остида кола беради.

1743-йили августида коракалпокларнинг елчилари Маман батыр Оразак угли, Абдулла Мурат шейх угли, Полат есаул, Сагындык бий, Бабаназар батыр, Маман шейх ва Айдар бий таркибида Россиянинг янги император хоними Елизавета Петровна хузурида булиб, тиккелей Россия пукаралигига утишни сурайди. Уларга пукаралик хакида грамота берилади.

Лекин, 1743 йили киш ойида Абулхайыр хон коракалпок элига босиб киради, элчиларни туткин килади, грамотани тортиб олади. 1746-1747 йиллари Урта юз хони Абылай султон хам коракалпокларга босиб кириб, вайрона килади.

Энди коракалпоклар Жанадарё буйига кучиб кетади.

Уш жуз кырык жыл Туркистанды жайлады,
Не батырлар халыкты шыгып коргады,
Акырында ол да жайлау болмады,
Хорезмге кошер болды каракалпак.

Сарыкамыш, Узбой ва Устюрт томондаги коракалпоклар ХУП асрда аввали яшаган худудларига кучиб келиб, Хива хонлиги шимолида оролли узбеклар билан Орол давлатчилигини ташкил этган эди. С.П.Толстов Хоразмнинг шимолий узбеклари билан коракалпокларнинг генетик алокалари бор эканлигини тасдиклади ва бу алока сак-массагет кавмлари давридан айникса огуз-печенег иттифоки давридан сакланганлигини езиб кетди. Т.А.Жданко ва К.Л.Задыхиналар этнографик экспедиция вактида оролли узбеклар билан коракалпоклардаги уруг-кавмлар кунград, муйтен, жаунгыр. кытай, кипшак, кенегес, мангыт, жалаир номлари бирдай эканлигини тасдиклади. Оролли узбеклар Амударё куйига 1505 йили Шейбани хон боскинидан кейин келган. Халк афсоналарида “Оролли узбеклар Туркистондан коракалпоклардан юж йил аввал келган дейилади. Хоким ота, Вазир, Урганч худудлари узлаштирила бошлаган. Бу даврда Хоразм Амударё куйи билан куплаган куллар оркали ажралиб турган. Узбеклар оролларда ясаган, шунинг учун уларни ороллилар деп атаган. Оролли узбеклар Кунград, Хужайли, Кипчак, Куня-Урганч, Мангыт томонларда яшаган.

Ороллилар давлатининг пойтахти Кунград каласи булди. Кейин Шахтемир каласига кучиб утдилар. Оролли узбеклар ва коракалпоклар Х1Х аср бошларига кадар узларини узлари бошкариб, Хива хонларидан мустакил яшади.

Жанадарё буйидаги коракалпоклар ерларни узлаштириб, дехкончиликни ривожлантиради, сугориш иншоотларини куради, савдо сотик ишларини олиб боради. 1747-1810 йиллари Жанадарёли коракалпоклар Орол давлати таркибида булди. Коракалпокларнинг Шахтемир хон бошкарган даврида Маман бий, Орынбай бий, Есенгелди бий, Айдос бий каби давлат арбоблари булган.

Маман бий Орынбай бийге козоклар билан урушманг деган .

Орынбайы курысын,
Кунде салар урысын,
Маман пакыр не кылсын,
Айтып атыр дурысын.

Шимолий Хоразмда асосий дехкончилик туманлари Кунядарё (Вадак) ва Кукузяк (Багдад) зонасида вужудга келган. Араб Мухаммед хон (1602-1623 йиллари хукмдорлик килган даврда Ток кургани юкорисида канал каздирган. Ушбу канал Хужайлидан куйида Амударёдан сув олган, Куня Ургенч ва Миздахкан оркали Утюртка карай йул олган.

ХУП аср 40 йилларида Абулгази хон Хорезм узбекларин турт булимга булган: 1) уйгур ва найманлар, 2) кунград ва кыятлар, 3) нукуз ва мангытлар, 4) канглы ва кыпчаклар. Каналлар буйи ерлар ушбу турт булим ахолиси оросида кесиб берилган. ХУП асрда шимолий ва жанубий узбеклар худулари чегараси Гурлен томонда утган. Жанубий узбелар утрокчи ахоли оросига келиб, уругларини умутган, шимолий узбеклар хозиргача ёдномасида билади. Гурлен Туркистондан келган ахоли томонидан курилган, енида Турт-Токсан-яб канали казилган.

Гурлен каласи шимолидан Амударё буйида узбекларнинг ктай ва кыпчак кавмлари урналашган. Уларни “поскончи” деб атаган. Кыпчак-канжигалилар Калле-узяк арнаси буйида, Кыпчак шункарлылар Газачаджайган арнаси, кыпчак туяклылар Тагараслан яб буйида урналашган.

Кук-узяк арнаси юкорисида ходжаэли кавмлари урналашган. Ходжаэли кургани тез орода иктисодий ахамиятга эга булиб, Хоразмнинг катта диний марказига ойланган. А.Л.Кун Хива хонлигида булганида Хужайли каласи хакида куйидаги афсонани езиб олган. Туркистондан келган Аламин ходжа ишан Хужайлига асос солган. Унинг узбек мюридлари куп булган. Иккинчи авлод даврида бу макон Ходжа эли деб ном олган. Яссави суфиларига тегишли ходжалар Хужайли каласига асос солган.

Узбекларнинг катта кавмлар бирлашмаси кунградлилар Амударёнинг шимолий ва шимолий-шакрий худуларини эгаллаган. Коракалпоклар билан кунградли узбеклар бир вактлари “кокпар” уйинида мусобока уткарган. Коракалпоклар енгиб чиккан. Узбеклар укпалаб, Кукузяк буйидан Кунград томон кучиб кетган. ХУП-ХУШ асрларда кунградли узбеклардан Умбай, Назар ходжа, Ишмухамедбий каби давлат арбоблари Хива саройида вазир даражасига кутарилган. ХУП-ХУШ асрларда хозирги Кунград худудларига урналашган. Кунград каласи Амударё буйида Россияга борадиган Караумбет йулида курилиб, ахамиятли савдо маркази булган.

ХУП аср 80 йиллари мангыт узбеклар хозирги Мангыт худудида урналашган. Мангытли Адина-Мухамед бий Хива хонидан аталык номини олган ва канал каздирган, курган курган.

Иккинчи савдо маркази Шахтемир каласи Кегейли канали хозирги Чимбой каласи урнида булган. Шахтемир оркали Хорезм сырдарёли коракалпоклар ва Кичик юз козоклари билан савдо алокаларини урнатган.

1728 йили Шахтемир ва Ширали бий улдирилганнан сунг оролли узбеклар ва коракалпоклар Хива хони Элбарсхоннинг хукмдорлигини тан олган.

Я.Гулямов коракалпоклар, козоклар ва туркманларнинг кузги экин жараёни хакида куйидаги афсонани езиб олган. Каналлар ез ойлари зураат олиб булинган вактда очилади экан. Сентябрь ойида каналлар епилади ва бозорларда (глашатай) “Кулнинг сувин богладилар” деб ойтадилар. Одамлар донни ылайга ташлайдилар. Ез кунлари зураатни йыгышка келедилар. Отиз бошларида караул миналалар курилар эди.

## 7-мавзу
## КОРАКАЛПОКЛАР
## ХУШ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - Х1Х АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА

режа

1. ХУШ асрда коракалпоклар ва Хива хонлиги алокалари
2. Хива хонлигининг коракалпокларни босиб олиши
3. 1827, 1855-56, 1958-59 йиллардаги коракалпоклар кузголонлари

адабиётлар

1. Андрианов Б.В. Этническая территория каракалпаков в северном Хорезме (ХУШ-Х1Х вв.) // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.3. Москва, 1958. С.7-132.
2. Камалов С.К. Каракалпаки в ХУШ-Х1Х веках. Ташкент, 1968.
3. Камалов С.К. Х1Х асирде каракалпаклардын мамлекетшилигин тиклеген кахарман. Нокис, 2006.
4. Хоразм тарихи. Урганч, 1996. 1-жилд.

ХУП-ХУШ асрларда коракалпоклар ороллик узбеклар билан биргаликда Орол ерларида уз давлатини тузган эди. Бу давлат бирлашмасининг ахолиси - коракалпоклар ва узбеклар кушни халклар билан якин алокада булган. ХУШ асрдаги коракалпоклар ижтимоий хаетига уруг-кабилаларга булиниш анъанаси хос булган. Бутун халк икки катта кавм (орисга) -ун турт уруг ва кунгирот кавмларига булинган. Ун турт уруг кавмларининг асосий гурухини Хитой, Кипчок, Кенагас, Мангит уруглари ташкил этган, кунгирот кавмига эса Шуллук ва Жавунгир уруг бирлашмалари кирган. Барча гурухларни уруг табакалари - бийлар ва ботирлар бошкарган.

ХУШ асрда жунгар ва козок хонларининг боскинчилик хужумлари натижасида Сирдарё буйларида яшаетган коракалпокларнинг бир кисми Янгидарё буйларига ва Орол ерларига кучишга мажбур булган. Янгидарё ерларида урнашган коракалпоклар учун юз йиллар каровсиз колган бепоен майдокларни узлаштириш козок хонлари ва султонлари билан доимий тукнашувлар натижасида жуда огир кечди. Шуning учун хам археологлар Янгидарёдаги сугориш иншоотлари колдикларини “коракалпок аждодлари мехнат жасоратининг буюк едгорликлари” деб хисоблайдилар.

Коракалпок (Орол) ерлари ХУП-Х1Х аср бошида Кувондарё ва Янгидарё хавзасини тулик камраб. Амударё этакларигача чузилган эди.

Коракалпокларнинг Хива хонлиги билан алокалари хакида “Фирдаусу-аль-икбаль” асарида куйидаги маълумотлар берилган. 1714-йили оролли узбеклар Хива хони Ядгархонга карши урушда коракалпоклар билан иттифок тузган. Хива хони Ширгази даврида у коракалпокларга карши 5 минг лашкар тортиб, коракалпокларни Сирдарё ва Янгисув буйига кучиб кетишга мажбур килади.

Россия императори Петр 1 нинг Бухородаги элчиси Флорио Беневени коракалпоклар оролли узбеклар хокими Шахтемир султон билан кариндош эдилар деб тасдиклайди. Ушбу маълумотлардан куринадики, оролли узбеклар ва коракалпоклар ХУШ асрда Хива хонлиги билан тухнашув шараятида булган экан.

Нодиршохнинг сарой тарихчиси Мухаммад Козим 1740-йили эронлилар Хивани босиб олгонида коракалпоклар Хива хони Элбарсхонга ердам бериб лашкари таркибида булганлигини тасдиклайди. Шунин учун Нодиршох Хивага Тохирхонни ноиб килиб, унга коракалпокларни буйсундириш вазифасини топширади. Тухнашувда енгилган ороллилар ва коракалпоклар Нодиршохга хар бири 12 минг лашкар беришга мажбур булади. Нодиршох даври хакида коракалпокларнинг “Кирк-киз” дастани маълумот беради.

1740-1741-йиллари Абулхойирхон хузурида булган Россия поручиги Гладышев коракалпоклар худудлари Ороллилар худуди билан кушни туради деб тасдиклайди.

“Фирдаусу-аль-икбаль” асарида Мухаммад Амин инок (1770-1790 йиллар хукмронлик килган) Туркистондан кучиб келган коракалпокларга ер ва яйлов бердилар, улардан туркманларга карши юришларда лашкар сифатида фойдаландилар деб езилган. Мухаммад Амин инок даврида коракалпоклар Жанадарё ва Кувандарё томонларида яшашни давом этган.

1790-1804 йиллари Мухаммад Амин инокнинг угли Аваз инок хон тахтига утириб, коракалпокларни иккига булиб буйсунтириш сиёсатини олиб борган. Колдаулы уруги рахбари Айдос бий биринчилардан булиб Хива хони томонига утиб, Кок-узяк бассейнида ер ва яйлов олган. Айдос бий оролли узбеклар ва Жанадарёли коракалпокларни Хива хонлигига буйсунтиришда катта хисса кушган.

Хива саройи тарихчиси Мунис Хива хони Элтузер хон 1804-1806 йиллари хукмронлик килган даврида коракалпокларнинг китой уруги бир булими оролли зубеклар билан иттифокда булган булса, иккинчи булими Элтузер хонга мурожаат етиб, ердам сураганлигини езади. Демак, шу даврда коракалпоклар оросида Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, хаттаки Кукон хонлигига буйсуниш тугрисида харакатлар булган экан.

1806 йили Элтузер хон вафот этиб, хон тахти Мухаммад Рахим хонга утади. У 1806-1825 йиллари хукмронлик килган. Мухаммад Рахим хон оролли узбекларга карши юриш кийин булганлиги сабабли, Амударё куйидаги коракалпокларни буйсунтиришга киришади. Бу даврда коракалпокларнинг бир булими Оролли узбеклар хокими пукоролари эди. Ушбу коракалпоклар Ак жагыс, Есим арнаси, Даукара худудларида урналашган эди.

Мухаммад Рахим хон мана ушбу Ак жагыс коракалпокларини буйсунтиришни бошлади. 1808 йили Айдос бий Хива хони ердамида оролли узбеклар билан тухнашади. Натижада 1809 йили Ак-жагыс буйидаги коракалпоклар Айдос бийга буйсунади. 1807-1810 йиллари Мухаммад Рахимхон Амударёе куйидаги коракалпокларга бир нечта маротоба юриш уюштириб, уларни буйсундиради. Мухаммад Рахимхонга коракалпок бийларидан Айдос, Кадирберган, Косберган, Шагал бийлар ердам беради. Айдос бий ярим хонлик учун хаттаки узининг кариндош инилари Бегис ва Миршахларни ултиради. Айдос бий Ак жагыс корганы урнига янги калъа курдиради ва уз номини беради.

1811 йили Мухаммад Рахим хон оролликларга карши хужум уюштириб, Кунград хокими Турамурад суфи вафот этган. Натижада Орол давлати тугатилади.

Бердак бабамиз “Шежире” асарида

“Андын сон Мухаммад Рахим хон,
Титирешиб Курди, Гуржистон,
Йетти ыклым сахип кыран,
Тамам йуртни алган екен. деб езди.

Мухаммад Рахим хон даврида Хива хонлигини бирлаштириш нихоясига етди. Мамлакатда утказилган солик ислохоти, божхонанинг жорий этилиши, олтин пул чикарилиши хужалик ишларига узининг ижобий таъсирини курсатди.

Мухаммад Рахим хон даврида Айдос бий хонликдаги катта мансабда булдилар. Бердак бабамиз ойтканидай “Шерик кылмай бир бендени, Хийуада ханнан озгени” Айдос баба коракалпок юртини бошкарди.

Майлы шенгел шегара,
Бержагын Айдос сорады,
Ханга хакын бермеди,
Озинен март кормеди.

Лекин 1825 йили Мухаммад Рахим хон улимидан сунг тахтга утирган Аллакули хон (1825-1842) ва Мухаммад Амин хон (1845-1855) даврида Айдос бий ага бий лавозимидан айрилган.

X1X аср биринчи ярмида коракалпоклар Амударё ун томонида Кушканатов, Кегейли, Кокузак дехкончилик оазисларин, дарёнинг чоп томонида Шанлыбасыу, Шома-

най, Кыятжарган, Канлыкул оазисларин пайдо этди. X1X асрда Шымбай, Шорахан, Мангыт, Кыпчак, Кунгирот, Хужайли хужалик оазисларинда турмуш кечирди.

Дехкончиликда донли экинлар - бийдай, шоли, арпа, жугари, тары, маш. лобия, мой чикаратугин экинлардан гунжи, кендир, жонышка, полиз экинларидан ковун, тарбуз, аскабак, гашир, пияз, бурич эккан.

Ажинияз шойир "Еллерим барды" шеърида

Кормеген хайранда, еслери танар,
Багларымда писер алмаю, анар,
Есапсыз мазалы мийуеси барды деб езган.

Коракалпокларда мавсум буйича хужалик юритган ва авкот булган

Уш ай шабагым,
уш ай кабагым,
уш ай кауыным,
уш ай сауыным.

Лекин солик коракалпок халкида норозилик тугдирган. 1825-1855 йиллари Хивада ушта хон олмошиб, урушсиз хеш бир йил булмаган. Хар йилги 20 минг тилла солик устига уруш солиги 140 минг тиллага етган.

Бердак шойир езган экан

Былтыргыдан быйыл жаман,
Калай-калай болды заман,
Гарип -касер калмай аман,
Он тилладан келди солик
Маган хеш гап ешегим бар,
Сатып берермен бир базар,
Аттен жарлы аш Ерназар,
Оган кыйын болды салык.

1827 йили жазда Хива хони Аллакулихон сиёсатига карши кузголон келиб чикади. Кузголонни хитой уруги бошлайди. Айдос бий кузголонга рахбарлик этади. Сабаби, Аллакулихон коракалпокларни бошкаришни мангыт уругидан Даулетназар бийга ва кенагастан Кабыл бийге топширади. Айдос бий 2000 минг уз тарафдарлари билан Кукон хонлиги томонга кучиб кетади. Хон лашкарлари уни Янгидарё буйидаги Чирик-Рабат худудида ултириб, одамларни хайдаб келади. Айдос бий коракалпокларни бирлаштира олмоди, сабаби, узи Хива хонина буйсунтириш сиёсатини олиб бориб, абруйини туккан эди. Кузоголонни бостирганнан кейин Аллакулихон Даукара кулина келетугын узакни боглаб, Кокузак буйларин шулистанликга ойлантирди. 1849 йили Хива хонлигинда булган руслар пукоралар турмуши хакида куйидагиларни езган: "Бундай жарлышылык хакида агар кузин курмаса, шундай жарлышылык булади экан деб ойлауда мумкин эмас, шуларни куриб, одамнинг чидамли булганига хайран каласан, уларнинг яшайдиган жери ешиктан келган кишнинг какаман сууыгынын шамоли иркилмей торинен отип кететугын тесик кара уйлар ва узлари ошликдан улим халотида".

1855 йили куз ойида вужудга келган кузголон сабаблари куйидагича: Биринчидан, Хива хонлиги пукоралари узбеклар, коракалпоклар, туркманлар ва козоклар ошлик ва соликдан, уруш ва касалликдан норозилик кутарди. Иккинчидан, Хива хонлиги чегарасига руссларнинг якинлашиб келгани булди. 1847 йили Орол флотилияси тузилди. Учинчидан, 1855 йили феврал ойидаМухаммад Амин хон каза булади. Унинг тахтини эгаллаган Абдулла хон хам туркманлар билан жангда халок булади. 1855 йили 3 сентябрда Кутлымурат хон тахтга утиради ва туркманларга карши лашкар йигнайди. Ноябр ойида коракалпоклар кузголон кутаради. Уни кунгирот колдаули уругидан Миршах угли Ерназар бошкаради (1806-1956).

Ерназар болалигидан хонга карши рухда тарбияланган палвон инсон. Уни Хива хони асрга олиб, янида саклайди, хивали кизга уйландиради. Лекин борибир Ерназар коракалпокларга кочиб бориб, кузголонни бошкаради. 60 бийни бириктириб, бир олмани бу-

либ ейди. онт беради. Козок тураларидан Зарлыкни хон кутаради. Ерназар кушбеги булган. Ороллик узбеклар билан коракалпоклар мустакиллик эълон килган. Давлатчилик 1855 ноябр ойидан 1856 йил июн ойига кадар яшаган. 1856 йили феврал ойида тахтга утирган Сайидмухаммад хон кузголонни бостиради, Зарлык турани сарсан кесек килиб ултиради. Ерназар бий 1856 йили 12 июнда соткинлар томонидан ултирилади.

1858-1859-йиллари Кунгирот беклигида Мухаммад Фена хон рахбарлигида кузголон булади. Бир йил давомида Кунгирот Хива хонлигидан мустакил булади. 1859-йили август ойида Мухаммад Фена хон ултирилади.

Кузголонлар катта ахамиятга эга булди. Коракалпокларда ага бий (Ережеп кипчак уругидан), аталик, беглер беги лавозимлари пайдо булди.

## 8-мавзу. КОРАКАЛПОГИСТОН ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА

режа

1. Коракалпогистон худудларин чор Россиясининг босиб олиши
2. Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати
3. Х1Х аср окири - ХХ аср бошидаги халк кузголонлари

адабиётлар

1. Узбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000.
2. Каракалпакстан жана тарийхы. Нокис, 2003.
3. Тореев А. Х1Х асирдин акыры ХХ асирдин басында каракалпак улкесинде дийханлар хэрекети. Нокис, 1991

1872 йил охирларида Россия империяси харбий вазири бошчилигида Петербургда Туркистон ва Оренбург генерал-губернаторлари, Кавказдаги подшо ноиби иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга карор килинади.

Туркистон кушинларига (22 рота, 1800 казак ва 18 туп) генерал Кауфман, Оренбург отрядига (15 рота, 600 казак, 8 туп) генерал Веревкин, Мангкишлок отрядига (12 рота, 800 казак, 8 туп) полковник Ломакин кумондон булиб, Орол флотилияси хам улар ихтиёрига берилган эди. Хаммаси булиб Россия кушини 12 минг аскар эди. Хива хонлиги кушинида хаммаси булиб 27 эски замбарак, 2 минг отлик аскар, 4 минг навкар булиб, улар асосан пойтахтда жамланган эди.

Истилочилар кушини уч йуналиш буйича Хива хонлиги устига бостириб келди. Рус аскарлари генераллар Кауфман ва Головачевлар кумондонлиги остида Тошкент тарафдан, иккинчи йуналишдагилар генерал Веревкин ва учинчи йуналишдагилар полковник Ломакин кумондонлигида Каспий денгизи тарафдан Хива томон кириб келди.

Генерал Веревкин кумондонлигидаги Оренбург отряди Кунгиротга якинлашганда шахар хокимлари тезлик билан душман тудаларининг пайдо булганлиги тугрисида Хивага чопар йулладилар ва вактдан ютиш максадида руслар хузурига хам элчи жунатишди. Генерал Веревкин кунгиротлиларнинг вакили билан учрашиб, унинг таклифларини эшитди. Музокаралар олиб борилиб, масалани тинч йул билан хал килишни истамади ва шахарга хужум бошлаш хакида буйрук берди.

Кунгирот халки Сайид бий ва Тожимурод бий рахбарлигида шахар кулдан кетганда хам курашни давом эттиришга карор килдилар. Шахар ташкарисидаги йулларда душманга хужумлар уюштириб, уларни укка тутдилар. Веревкин кушини эса талофотлар бериб, Хужайли ва Мангит калъаларини ишгол килди. Одам кирилган, Уч ачак, Холота элатларида, Хужайли, Хазарасп, Гурлен калъаларида каттик жанг булган.

Россия кушинлари йулда учраган хар бир шахар ва кишлокни талаб, уйларга ут куйиб, киргин-барот уюштирдилар. Боскинчилар Мангит калъасин талон-тарож этганини Мухаммад Юсуф Баяни куйида баен этади: “Мангитда киргин жанг булди. Веревкиннинг

буйруги билан эркаклар, хотин-кизлар, чоллар ва болалар кириб ташланди. Бешиктаги нарасталар чиркироб йыглауы билан колди. Калъа ер билан яксон килинди ва ут куйилди". Одамлар ерланган авлиени мангитликлар "Минг ярим шохид мозори" деб атайди.

1873 йили 29 май куни Хивага голибина кириб келган Туркистон, Оренбург, Кавказ кушинлари талон-тарожга киришдилар. Хон саройида олий хукмдорларнинг тахти, бебахо олтин-кумуш буюмлари, турли-туман кимматли матолар ва нодир кулёзма асарлар Петербургга, подшох саройига улжа сифатида олиб кетилди.

Генерал Кауфман топширигига кура шаркшунос А.Л.Кун Хива саройидан 300 кулёзма, 18 куръон, 50 дарслик китобларни мусодара килган. Хивалик усталар кандакорлик санъатининг энг юксак намунаси - Кунгирот сулоласи хонлари тахти бебахо улжа булди. 1874 йили бу Хива хонлари тахти курол-аслаха Палатасига топширилди.

Россия кушинларининг Хива хонлигини тез орада босиб олган сабаби куйидагилар: Биринчидан Хива саройида икки гурух пайдо булди - 1-гурух Россия билан жанг килиш тарафдари, 2-гурух савдогарлар гурухи, Россияга буйсуниш ва капитализмга утиш гурухи. Иккинчи сабаби, Хива хонлиги халкаро майдонда якка колди. Улуг Британия узига Афганистонни олиб, Хивани Россия талон-тарожига колдирди. Учинчи сабаб, ахоли норозилигидур. Коракалпоклар ва ороллик узбеклар Россия Орол флотилиясининг Кунгиротга юришига ердам берди. Сейтгази бий генерал Веревкин билан флотилия капитани Ситников ораларида алокани таъминлаган. Ережеп ога бий Кафуманнан барча коракалпокларни Россия пукаралигига уткизишни илтимос килган.

1873 йили 12 июнда генерал Кауфман ва Мухаммад Рахим хон Гендимиан шартномасига кул куйишдилар. Давлат бошкарувида Хон раислигида кенгаш ташкил топиб, таркибига учта хива пукараси ва учта россия пукараси кирган. Лекин 2 ойдан кейин бу кенгаш уз фаолиятини тугатди.

Гендимиан шартномаси 18 банддан иборат булиб, Хива хони узини Россия императорига буйсунганини тан олди. 2-3 бандларида Амударё унг томони Россия таркибига утилиши тасдикланди, яьний асосий коракалпок ерлари иккига булинди, коракалпокларнинг уз=узини бошкарув дастури йук килинди. 18-бандинда Хива Россияга 2 млн 200 минг рубль жарийма тулайдиган булди. Бу жарийма 1901 йили тулаб булинди.

Амударё булими даслабки вактда Туркистон генерал-губернаторлигига тиккалай богинди. Улка беш вилоятга булинди: Сирдарё, Фаргона, Самарканд, Еттисув, Каспийорти. Сирдарё вилояти куйидаги туманларга булинган: Тошкент, Авлиёота, Козоли, Перовск, Чимкент. Амударё булими хам шу вилоятга буйсунган. Амударё булими начальнигини халк "хоким тура" деб атаган.

Турмуш тарзига кура рус амалдорлари барча ахолини иккига: "киргизлар" (кучманчи) ва "сартларга" (утрок ахоли) булишган.

Хива хонлигида эса сиёсий назорат губернатор ваколатига эга булган Амударё булими бошлиги томонидан амалга оширилган. Мухаммад Рахимхон П (1865-1910) мустакил булишга интилган. Зукко давлат арбоби ва маърифатпарвар инсон булган, халк уртасида Феруз шоир сифатида шухрат козонган. XX аср бошида Хива хонлигида 640 мингдан купрок киши яшаган. Амударё булимида эса 192312 киши яшаган. Девонбеги Матниязнинг богида Петро-Александровск кургони август-сентябр ойларида 16 кун ичида куриб битилди. 1913 йили калъада 7200 киши яшаган. Амударё булими Чимбой ва Шурохон уездларидан иборат булган. Х1х аср 70-йилларида Амударё булимига 2 минг ураллик казаклар кучириб келтирилган. Россиянинг мустамлака сиёсати асосида руслаштириш гояси турган эди. 1882-1884 йиллари Туркистон генерал-губернатори булган М.Г.Черняевдан швейцариялик Генрих Мозер "туркистонликларни руслаштиришни качон охирига етказасиз?" деган савол берибди. У "махаллий ахоли рус ароги ва тамакисига урганиб булгандан кейин" деб жавоб берган.

Россия Амударё булимини киска муддатда уз саноати учун хом аше манбаига айлантирди. Пайхта майдони 3 баробарга усди. Метрополиянинг иктисодий сиёсати Амударё булимини хом ашё базасига айлантириш, уни рус моллари сотиладиган бозор сифа-

тида тутиб туриш ва табиий бойликларни марказга ташиб кетишга каратилган эди. Амударё булимида фабрика-завод саноатининг асосини пахта тозалаш корхоналари ташкил этгани тасодифий эмас. Булимда “америхони” навли пахтани катта майдонларда эктиришдилар.

Россия империяси истило килганидан кейин махаллий халкларни мустамлака истибдодига солувчи конун “Туркистон улкасини бошкариш хакидаги” Низомни жорий этди. Низом улкада махаллий ахолининг инсоний ва сиёсий хукукларининг расман поймол этилишига олиб келди. “Барча руслар,-деб айтган эди тарихчи Г.Сафаров,- Туркистоннинг туб ахолиси аодамлар эмас, балки урса, таласа, зурласа мумкин булган иш хайвонларидир, деган рухда яшаган ва тарбияланган”. Мусулмонларнинг жума номозларида подшонинг номини хутбага куйиб укимок амр килинди. Суфи Оллоёрнинг “Чахор китоби” асаридаги “азоби кабр кофирларгадир” ибораларини йукотиб, янги босиладиргон китобларда бу сузларни чикаришдек фармойишлар килдилар. Кучадан пристав утиб колса, беихтиёр курмай колгон ва урнидан турмаган мусулмонлар булса, кайтиб келиб урдилар, камар эдилар.

Сайловларда рус элементини мусулмонлар сони босиб кетмаслиги чоралари курилди. 1905 йилги савлов конунига кура, барча хотин-кизлар, 25 ёшдан кичиклар, харбий хизматчи, укувчилар савлов хукукидан махрум килинди.

Чимбой участкаси Таллик волостининг Копак-кул деган жойда маъмурият вакили - оксолни кайта сайлаш жарёнида галаён кутарилди. Аммо у казаклар томонидан бостирилди. 1899 йил 28 мартда тергов, кидириш, камокка олиш ишлари бошланди. Дехконлар хибсга олиниб Петро-Александровскга жунатилди. Шурахон участкаси Бийбозор волостида ва Чимбой участкаси Нукус волостида мустамлакачиларга карши Бобо Куғлан бошчилигидаги залк кузголони жиддий тус олиб, карийб ун йил (1881-1991) давом этди. Дехконлар тез-тез солик тулашдан бош тортиб турганлиги натижасида бокимандалар 1889 йили булим буйича 12 818 рублни, 1896 йили эса 16 723 рублни ташкил этди. Дехконларнинг карзлардан озод этиш хакидаги илтижолари коniктирилмади. 1900 йили март ойида Нукус волостида шу сабаб дехконлар билан кишлок маъмурияти уртасида тухнашувлар булиб утди. Дехконлар утов бошига олинадиган соликни тулашдан бош тортиб, овул оксоколи билан козини тутиб, уларнинг лавозимлик белгиларини, мухрларини тортиб олишди. Чап киргокдаги коракалпоклар хам золимларга карши бош кутардилар. 1900 йили Кунгирот беклигида яшовчи коракалпоклар сугориш иншоотларини (Лавзон каналини) тозалаш мажбуриятини бажаришдан бош тортдилар. Ахолида “Мардикорлар кузголони” деб аталмиш 1916 йилдаги миллий-озодлик кузголонида курбонлар бенихоя катта булган, миллиондан зиёд киши халок булган. Туркистон ахолисидан 673 минг киши улдирилган, 300 мингдан ортик ахоли хорижга чикиб кетган.

1916 йили 24 июлда Шурахон жавбхаси Турткул булими Сахтиан жамоаси аёллари булис бошкарувчиси Козокбай Абдикаримбоевдан фронт аркаси ишчиларининг руйхатини ва уз эрларини ва угилларини мардикорликдан озод килишни талаб килиб чикдилар. Бундай чикиш 26 июлда Хужаёр жамоасида хам юз берди. Булисликнинг барча кишлокларидан 200-300 аёл уз болалари билан Турткулга келиб, солдатларга ташландилар. Казак сокчи командаси аёлларни таркатиб юборди ва улардан бир нечтасини камокка олди.

1916 йили 29 июлда Сарибий белиси ахолиси (1 минг одам чамаси. ичида купгина аёллар бор) болта, пичок, калтаклар билан куроллониб Шурахон участкаси Сарибий булислиги бошкармасига йул олди. Ахолининг талабларига булис бошкарувчиси курс жавоб беради. Газабланган халк булис бошкарувчиси Содик Бояков ва унга карашли учта оксолни улдиради. Шундан сунг улар Амударё булими бошлигига уз талабларини билдириш максадида Петро-Александровска йул олади, лекин исённи бостириш учун солдатларнинг келиб етганини эшитган кузголончилар уйларига таркалиб кетади. Бурибой Салманов, Оллониёз Худойназаров, Давлет Эшимбетов, Жаббор Кушик, Султон Жабборбер-

геновалар кузголоннинг фаол катнашчилари эди. Авез Тути Оразбейгамованинг номи хануз халк хотирасида.

Шурахон участкаси бошка булимларида хам галаёнлар булиб утди. 1916 йил 29 июлда Турткул булиси Сахтиан, Хужаёр ва Турткул жамоалари ахолиси булис йигинига катнашишдан бош тортиб, булис бошкарувчисига вакилларини жунатишади. Узларининг талабларини кондиришга эришолмаган исёнчилар булис бошкарувчиси идорасини агдар-тунтар килади ва отлик аскарлар казармасидан солдатлар етиб келгандан сунггина оркага кайтади.

Чимбой участкаси Бешяб булиси ахолиси хам кузголон домига тортилди. 1916 йил 27 июлда уларга Эшим булислиги биринчи ва иккинчи овуллари, кейин Янгибозор ва Нукус булислари, 29 июлда эса Чимбой шахри хам кушилди.

1916 йил 29 июл куни Чимбой исёнчилари кулига тушган нарса билан куролланиб, пристав идорасига йул олади. Полиция пристави халк арзларига рад жавобини беради ва вакиллардан бирини ярадор килади. Даргазаб чимбойликлар пристав идорасига хужум килиб, подшо портретларини ёкадилар, пристав Маелжаняцни улдирадилар ва унинг якинларини калтаклайдилар. Аммо исёнчилар казаклар томонидан таркатилиб юборилади. Бу кузголонда Жумон Маметкулов, Салима мулло Шалимова, Гулзода Тонгирбергенова, Ойгул Мамбетова, Шамурод Сагатбаев ва бошка куплаб кишилар фаол иштирок этди.

Чимбой кузголони баликчилар орасида хам кучли галаёнларга сабаб булди. 1916 йил 4 августда Муйнокда галаёнлар бошланди. Баликчилар овчилик хужайнига хужум килди, унинг мол-мулкини яксон килиб, гидрометрик постни эгаллади. Муйнок баликчилари кетидан Урга овчилиги баликчилари кутарилди. Муйнок ва Урга балик овчиликларини куриклаш учун 4-Сибирь укчи полки жунатилди.

Чор маъмурлари харбий куч ишлатибгина кузголонни бостиришга эришдилар. 103 нафар кузголон иштирокчиси, шу жумладан, 18 аёл камокхонага ташланди. Харбий трибунал кузголон рахбарларининг бир кисмини осиб улдиришга, колганларини эса Сибирьга сургун килиш билан турли муддатларга камок жазосига хукм килди.

## 9-мавзу

## Х1Х АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР БОШИДА КОРАКАЛПОКЛАРНИНГ ТУРМУШИ ВА МАДАНИЯТИ

Режа

1. Маънавий ва маданий турмуш.
2. Коракалпок адабиёти намояндалари
3. Коракалпок мусикаси ва санъати

Адабиётлар

1. Узбекистон янги тарихи. 1- китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000.

Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига карамасдан коракалпоклар миллий турмуш ва маданиятини саклаб кала олди. Уларнинг маканлари ер ва сув шараятига мас шаклланди. Турар жойлари хавли. там. какыра, шопкер, кара уй булиб, уларни куриш учун топырак, ок терек, жанеуит, ок тал, камиш, турангил кулланилган. Эл уртасида масжид-мадрасалар курилган, караз, жууаз, кудыклар, той уткарадиган даланлык овулдан четкарида булган. Х1Х асрда турар жойлар тош чирак билан яктиланиб, уларга усимлик мойин пайдоланган. Россия таркибида темир печлар купайган, морылы чираклар, керосин лампалар пайдоланилган.

Коракалпокларда неке уруг ичида эмас, бошка уругдан (экзогамия) булган. Некелесиу аклай куда (тувилмаган боланинг ота-онаси уз-аро вадалашади), жаслай куда (ойттириб олади) оркали булган. Куяв вафот этса янгаси койнисига яки койнагасига турмушга чикади. Кыз олиб кочиш дастури хам булган. Кизни куп одамлар ойттириб келган, лекин масала киз келисими билан хал килинган. Некеге келисилсе "калын мал" берилген. Узатилган киз курпа-тосек, арша, казан-табак, кийим-кеншекларни "калин мал" хисобидан

олган. Узатилган кизга арнап отау урнатилган. Шанарактын кичик шанарак, улкен шанарак деган турлари булган. Неке кыйыуда гувоклар иштирок этган Мулло кумуш тийин солинган неке суви бор кесанинг бир четидан куявга, бир четидан кизга уртлаттирган.

Коракалпок кийимларида инсоннинг яши, касиби, жагдайы, уйленгени, турмушга чиккан яки чимагани ифодаланган. Коракалпоклар пахта, жун, ипакдан тукилган гезлемеден, кой-ечки, жылкы терилеринен исленген кийимлер кийген. Катта хотинлар кизил жегде кийсе "бетининг кизили кетсе де жипек жегде жамылып журипти деб халык ойипсинган. Эркакларнинг кийими постын, шапан, шекпен, бешпент булган, такия, малакай, шогирме, дегелей кийген. Коракалпок кизлари жаслайынан уйдин ички ишларига, миллий хунарга уйретилген, накшсиз кийим киймеген, хайкел, онир моншак, туйме, билезиксиз журмеген. Узатилган киз саукеле кийген.

Коракалпокларда тауипчилик ривожланган. Тауиплер тамир ушлаб касалликнинг турларин ониклаган. Улар сыныкшы, порхан, тауип, шерши булиб булинган. Аязлаган одамларга янтак, тарбуз, анар, жида сувларини ичкизган,кум ва тузга туширган. Адираспан тутатган. Куз тийган касалликларга одамларга, молга, турар жойларга кучкор муйизин, бурыш, пияз кыстирган. Балык ва товук билан кактырган.

Коракалпокларда бир кун туз таткан ерге кырк кун салам деб овкат кадрин юкори бахолаган. Жисмоний тарбия сохасида жууырыу, тош кутариш, аркан тартиш, жорга суриу, байгиге от юбориш, атконшек, ак суйек, кашарман туп, шуллик уйинлари булган. Гештек, зияпотлар, ага бий отырыспагы уткизилган. Суннат туй, курбан хайт, навруз байрамлари утказилган.

XX аср бошида  Амударё булимида 58 мадраса булган. Каракум ишан мадрасаси, Тас мадраса йирик мадрасалардан хисобланган.1907 йили Петро-Александровск, Хужайли, Кунгирот калъаларида "янги усул" мактаби ташкил этилган. 1917 йил арафасида саводсизлик даражаси 10-15 фойиз булган.

Туркистон генерал-губернаторлиги  Сирдарё вилояти таркибидаги Амударё булими худудида яшовчи коракалпоклар санъати мустамлака шароитида яшовчанлигини курсатди. "Коракалпоклар хотирасида, - деб езган эди козок элшуноси Ч.Валиханов,- минглаб  хикоялар,  киссалар, кушиклар сакланган". Уларнинг чичда энг машхури "Алпомиш", "Коблан", "Эдиге", "Шариёр", "Эршуро", "Кирк-киз" достонлари булган. Уларнинг ижрочилари жировлар, бахшилар ва киссахонлар фавкулодда шоирона кобилиятга эга булишган. Улар туфайли узок утмишдаги халк огзаки ижоди намуналари авлоддан=авлодга утиб, бизгача етиб келган.

Жировлар шажарасининг илдизи узок утмишга бориб такалади. ХУ асрда Соппасли Сипира жиров катта шухрат козонди, ХУШ-Х1Х асрларда эса Жиян жиров, Шонкай жировлар ном чикарди. Бир неча бахшилар мактаблари, шу жумладан Гарибниёз бахши, Акимбет бахши, Кушим бахши, Муса бахши ва хоказо мактаблар фаолият курсатди. Халк турмуши. мехнат фаолияти, дастурлари, урф-одатлари билан чамбарчас боглик булган туй кушиклари,  йиги ашулалари (йуклаш, марсия, хайрлашиш), болалар ва "даволаш" (бадик) кушиклари ва бошкалар коракалпокларнинг шеърий ва мусикий ижодиётининг таркибий кисмини ташкил этган.

Мако-маталлар халк донишмандлигининг йигиндиси, халк истеъдодининг ёркин намунаси булиб келган. Коракалпокларда жумбоклар, зукколик мусобакалари (жавоб айтиш) ва халк ижодининг бошка купгина турлари кен таркалган.

Коракалпоклар бошка туркийзибон  халклар билан бир каторда кадимий умумтурк ёзма  ёдгорликларини (кадимий урхун-енисей ёзувлари, УП-УШ асрлар), Махмуд Кошгарийнинг "Девони лугати турк" (X1 аср), "Кодекс Куманикус" (ХШ асрдаги кипчоклар тили лугати), "Огузнома" кабиларни мерос  килиб олган.

Коракалпокларнинг уз хаёти ва мустакиллиги учун сабот-матонат билан олиб борган кураши жараёнида Жиян жиров, Кунхужа, Ажиниёз, Бердах, Утеш каби ажойиб халк шоирлари етишиб чикди.

Коракалпок адабиётининг йирик намояндаси, шоир ва жиров Жиян Жунгор хонининг ва бошка хонларнинг шафкатсиз сиёсатини “Хонавайрон халк” поэмаси мисолида фош килди. X1X асрдаги барча тараккийпарвар коракалпок шоирлари Жиян жировни коракалпок шеъриятининг отаси деб тан олдилар.

Машхур шоир Кунхужа (Жиямурод) хам (1799-1880) уз асарларида (“Чупонлар”, “Урокчилар”, “Ок камиш”, Умытпаспан” ва бошк.) захматкаш халкнинг огир ахволини акс эттириб, коракалпок жамиятидаги чукур ижтимоий карама-каршиликларнинг мохиятини очиб берди. X1X асрда яшаб утган коракалпок шоирлари Ажиниёз ва Бердах ожодиёти хозирда хам долзарб ахамият касб этади.

Ажиниёз Косибой угли (1824-1878) коракалпок адабиётининг яна бир йирик ва узига хос ижодий сиймосидир. У Хива мадрасасида таълим олган, тарих ва халк огзаки ижодини яхши билган, Шарк лирикаси билан таниш булган. Шоир асарларида лирик мавзулар билан бир каторда ижтимоий мавзулар урин тутади. Унинг машхур “Бузатов” поэмаси коракалпок халкининг огир хаётини акс эттирган ахамиятли тарихий манба булиб хисобланади.

Бердах (Бердимурод) Каргабай угли (1827-1900) коракалпок мумтоз адабиётининг энг ёркин намояндасидир. Узининг купгина лирик асарларида, поэмаларида Бердах X1X асрдаги коракалпок халкининг ижтимоий хаётини хар тарафлама акс эттирди. Шоир-демократ сифатида у уз давридаги вокеаларга ва ижтимоий муносабатларга адолат ва ватанпарварлик нуктаи назаридан бахо берди. Бердах уз асарларида жамиятнинг илгор кишиларини халк бахт-саодати учун курашга чорлади, купгина утмиш вокеаларига жиддий фикр билдирди. Бердах “Амангелди”, “Айдос баба”, “Ерназар бий” каби асарларни ёзган. Унинг “Шежире” асари тарихий манба хисобаланади. Шу боисдан хам тарихчиларнинг бирортаси Бердах ижодиётини четлаб утмайди.

Утеш Алшинбой угли (1828-1902) нисбатан унчалик куп булмаган мерос колдирган. Лекин унинг золимларга карши, жафокаш мазлумларни химоя килишга каратилган хажвий асарлари (“Шарманда”, “Ухшар” ва х.к.) шоирни X1X аср коракалпок шеъриятининг атокли вакиллари сафига кутарди.

Адабиёт билан бир каторда коракалпок мусикаси хам уз тарихига эга. Халк огзаки ижоди каби мусика авлоддан-авлодга огзаки утиб келган. Мусика маданиятининг таркатувчилари кушикчилар, жиров-бахшилар, суз усталари, халк бастакарлари, созандалар, оддий мусика ва кушик ишкибозлари булган.

Асосий коракалпок мусика асбоблари: кобыз - камонча билан чалинадиган кадимий мусика асбоби булиб, у билан жировлар кахрамонлик достонларни ижро этган; дутор - бахшилар чаладиган икки торли м усика асбоби; бошкалардан алохида ажралиб турадиган шынкобыз - факат аёллар чаладиган, такрорланмас овозга эга асбобдир. Булардан бошка сурнай ва гижжак хам кулланилган.

Амалий санъат (ёгоч уймакорлиги, каштадузлик, гилам тукиш, заргарлик, кунга босиб накш солиш, аппликация ва х.к.) коракалпок халки ижодиётининг купрок ривожланган серкирра сохасидир. Айникса каштачиларнинг ранг-баранг булиб товланган кашталари хотин-кизларнинг байрам кийимларини безаган.

Коракалпогистонда заргарлик буюмлари (исирга, билагузук, узук, кукрак такинчоклари), мехнат куроллари, уй-рузгор анжомлари, шунингдек, курол-ярог (килич, совут, камар ва х.к.) хам кенг таркалган.

Мустамлака сиёсати коракалпок халкининг нафосат туйгусини сундира олмади. Унинг мехнати ва истеъдоди асрлар оша яшаб келаётган халк ижодиёти намуналарида уз аксини топди.

## 10 мавзу.
## КОРАКАЛПОГИСТОН СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА

режа

1. Совет хокимиятининг урнатилиши

2. Миллий-озодлик курашлар
3. Давлатчиликнинг кайта тикланиши ва турлари
4. Халк хужалиги, маданияти, катагонликлар.

адабиётлар

1. Узбекистон янги тарихи. 2-китоб. Узбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, 2000.
2. Каракалпакстан жана тарийхы. Нокис, 2003.

Якин утмишимизнинг собик совет хокимияти хукмронлик килган даври (1917-1991) Коракалпогистон тарихида узига хос урин эгаллайди. Бу давр, гарчи тарихан киска булса да, лекин узининг мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан ажралиб туради.

Россиядаги 1917-йилги Октябр тунтариши Коракалпогистонда хеч кандай шов-шувсиз, туполонсиз кабул килинди, чунки хокимият тепасида собик мустамлакачилар ва подшо амалдорлари турарди. 1917 йил 31 октябрдан 1918 йил октябрга кадар Амударё булими комиссари лавозимини гидротехник В.Н.Памшев эгаллаб турди. Чимбой ва Шурахон уездлари комиссарлари, Петро-Александровск шахар думаси, жамоат кумитаси уз вазифаларини давом эттириб турдилар. 1917 йил март ойида ташкил этилган Петро-Александровск шахар солдат депутатлари кенгаши фаоллик курсата олмади. шахар ташкарида уз хокимиятини ташкил кила олмади. Амударё булимидаги овул ва кишлоклар ахолиси Петро-Александровск маъмурларидан хеч кандай харбий ва моддий кумак олмасдан уз-узини мудофаа килиш отрядларини ташкил этди, уларга нуфузли уруг бошликлари, чунончи Убайдулла Бауатдинов (Хон Махсум), Бола бий ва бошкалар бошчилик килишди. Халк уруг йулбошчилари теварагига бирлаша бошлади, чунки очлик, карокчилик хужумлари, тартибсизлик ва кургокчилик хавф солаётган эди.

1918 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Амударё булимидаги вазият узгара бошлади. Хива хонлигида Курбан Мамед (Жунаидхон) хукмронлиги урнатилиши муносабати билан бу ерга кизил гвардиячилар отрядлари жунатилди. Петро-Александровск шахари хакикатда большевиклар хокимиятининг кургони, унинг харбий базасига айлантирилди. 1918 йил кузидан 1919 йилнинг августига кадар Петро-Александровскка куролланган ишчилар, матрослар, хорижий легионерларнинг бир канча отрядлари келди. Бу отрядлар Амударё булимида махаллий партия ташкилотларини, харбий органларни мустахкамлаш учун барча чораларни куришди, шунингдек Хива хонлиги худудидаги “инкилобчиларга” кардошларча ердам курсатиш борасида бир катор ишларни амалга оширди.

1919 йил август ойида Чимбойда кузголон кутарилди. 14 августда каршилик харакати иштирокчилари Туркистон хукуматининг фавкулодда комиссияси аъзоларини хибсга олди. Тез орада кузголончилар Нукусни ишгол килдилар ва 1919 17 августда Чимбой участкаси, Муйнок баликчилик тумани большевиклардан озод килинди. Амударё булимида большевикларсиз халк хокимияти урнатилди. Халк хокимияти бошлиги  килик уралик казак Михаил Фильчев сайланди. Хукумат таркибига нуфузли коракалпок кишилари Хон Махсум, Иброхим Одилов, Иноят Ниёзов, Сейтназар Пирназаров, Бола бий, уралик казаклардан Шишенков, Сальников, Гутаров, Божедомов, Шевелев ва бошкалар кирди. Жунаидхон халк хокимиятини Амударёнинг унг сохилидаги бирдан-бир конуний хокимият деб эътироф килди. Адмирал Колчак харбий миссияни жунатди. Генерал Толстов 120 кишидан иборат казаклар отрядини юборди.

Туркистон хукумати ташки ишлар халк комиссари С.Турсунхужаев мусульмонларнинг советларга карши кузголонда иштирок этганлигини “нихоятда ашинарли ва бизнинг Хивадаги сиёсатимизни узгартишни талаб киладиган факт” деб эътироф килган эди. Лекин Турккомиссия “Бухоро ва Хива - ички фронт” деган сиёсий формула асосида Амударё булимига кизил аскарлар батальонини жунатди. Турккомиссия вакили Г.Б.Скалов ва Закаспий фронти кушинлари Амударё гурухи кумондонлиги билан Коракалпогистондаги каршилик харакати етакчилари уртасида 1920 йил 20 мой куни Шартнома тузилди. Умумхалк каршилик харакати бир кадар ижобий натижалар берди. Амударё инкилобий кумита-

си кайта ташкил этилиб, биринчи марта коракалпок, узбек, козок, ураллик казак вакиллари хукумат аъзоси булди. Бирок ородан куп утмай большевик комиссарлар уз ваъдаларини унутдилар. 1921 йил февралда каршилик харакати фаол катнашчиларидан 24 киши хибсга олинди. Хон Махсум Сибирьга сургун килинди.

1920 йили октябр ойида Амударё булимига вилоят макоми берилди. 1919-йил ноябр-1920 йил январ ойларида Хивага бостириб кирган Кизил Армия кушинлари бу давлатда “инкилоб” уюштирди ва Хоразм республикаси ташкил этилди. 1923-1924 йиллари пойтохти Хужайли булган Хоразм республикаси таркибида Козок-Коракалпок мухтор вилояти ташкил этилди ва ривожланди.

Урта Осиёда 1920- йиллари тусатдан пухта тайёргарлик курилмасдан бошланган миллий-худудий чегараланиш совет империясининг булажак иттифокдош республикаларида ва миллий мухториятларида уз “миллий хонадони” учун кескин курашни ва бир катор зиддиятларни келтириб чикарди. Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати натижасида мажбурий икки кисмга булинган коракалпок халки хам ана шу узига хос “миллий мусобака”га тартилди.

Коракалпок халкининг фидойи фарзандлари Оллоёр Дустназаров, Абу Кудабоев, Утенияз Бекимбетов, Уроз Ирмонов, Иброхим Бекимбетов, Каримберди Саъдуллаев, Косим Авезов ва бошкаларнинг катъияти, собиткадамлиги, сабот-матонати иттифок рахбар органларини куп асрлар мобайниа уз миллий мустакиллиги учун курашиб келган коракалпок халкининг овозига кулок солишга мажбур этди. 1924 йили 14 октябрда Бутуниттифок Советлари Марказий Ижрои Кумитасининг иккинчи сессияси Россия Федерациясининг Козогистон мухтар республикаси таркибида Коракалпок мухтар вилояти ташкил этилганлигини тасдиклади. Бирок бу унитар давлат булган СССРдаги давлатчилик курилишининг большевиклар андозасидаги “матрешка” принципи эди: СССР-РСФСР-Козогистон АССРи-Коракалпок АО.

Коракалпок мухтар вилояти 160 минг кв.км.дан ортик худудни эгаллаган булиб, туртта маъмурий округ - Турткул, Чимбой, Хужайли, Кунгирот округларидан ташкил топган эди. Вилоят куп миллатли эди: коракалпоклар - 38,1 %, козоклар - 28,5 %, узбеклар- 27,5%, туркманлар - 3,2%, бошка миллатлар - 2,7 % ни ташкил этарди.

Совет хокимиятининг ер-сувислохоти, янги иктисодий сиёсати, айникса жамолаштириш ва овуллардаги бой-бадавлат табакасига большевистик сикуви норозилик келтириб чикарди. 1929 йили август ойида Тахтакупирда кузголон бошланди. Совет хокимиятига карши кузголонга кенг микёсда хозирлик курилганлиги маълум булди. Хужайли ва Кунгирот округларида - Шалтай ботир, Кораузак, Кегайли, Чимбой, Тахтакупир, Турткул, Шурахон, Шоббоз худуларида Бутабек Бекниязов, Киличбой Жумамуратов, Маткурбан Хакимниёзов, Мадёр, Курмуш отрядлари харакат киларди. Кузголончилар 1929 йил июл-августда Чимбойда яширин кенгашлар утказиб, харакатлар режасин белгилаб олдилар, халк хукумати ташкил этилиб, Абдужалил махсум Исматуллаев - хон, Каримберди охун - кози, Борликбой Нуримов - харбий вазир лавозимларига сайландилар. Лекин 21 сентябрда СССР Бош сиёсий бошкармаси (ГПУ) Коракалпогистондаги булими хизматкарлари кузголончиларнинг 44 нафаридан 35-тасини кулга олдилар. Камокка олинишдан кочиб колган Абдужалил махсум, Каримберди охун,Борликбойлар 26 сентябр куни Тахтакупирда исён кутарди, калъани кулга олдилар. Москва, Кызыл Орда, Тошкентдан жазо отрядлари юборилиб, кузголон катъятлик билан бостирилди. 200 га якин киши хибсга олинди, 16 киши отишга, 25 киши сургунга хукм килинди. Абдужалил махсум отилди. У академик С.Камаловнинг кайинотаси, Гулайша Есемуратованинг отаси эди. “Учлик” судлари тарафидан 36 киши отишга, 13 киши сургунга хукм килинди.

Кузголон натижасида Коракалпогистон Козогистон таркибидан чикарилиб Россия Федерациясига утказилди, 1932 йили мухтар республикага айлантирилди.

Лекин катагонлик давом этила берди. 1930-йиллари Коракалпогистоннинг фидойи фарзандлари миллий зиёлилар А.Дустназаров, К.Авезов, К.Нурмухамедов, С.Маджидов каби 10 мингдан ортик киши нохак катагон килиниши окибатида халок булди.

1936 йили собик СССРнинг “социализм куриш программасига” мос сталинлик Конституция кабул килинди ва Коракалпогистон Узбекистон таркибига кушилди.

Иккинчи жахон уруши даврида Коракалпогистондан фронтга 61618 киши сафарбар килинди. 97-Коракалпогистон миллий бригадаси ташкил этилди. 20 нафар жангчига Совет Иттифоки Кахрамони деган унвон берилди. 20 мингга якин жангчи турли орден ва медаллар билан мукофотланди. 25 мингдан ортик коракалпогистонлилар мехнат баталь-онларига олинди. Уруш филлари Коракалпгистон фронт учун 284500 тонна пахта, 78700 тонна дон, 15200 тонна гушт, 571 минг тонна ёг, 622 тонна тузланган, куритилган ва дуд-ланган балик, 200 млн банка консерва етиштириб берди. Коракалпогистонга 25 минг поляк, 15 мингдан зиёд киши эвакуация килинди.

Фронтга кетганлардан 34 минг киши уйларига кайтмади. Уруш йилларида касалликлардан, очлик ва овкат емаслик, холдан тойдирадиган огир мехнат натижасида 90 мингдан ортик киши вафот этди. Натижада Коракалпогистон хар бир турт кишидан би-ридан ойрилди.Бу катта фожиа эди.

Ородан 35 йил утганнан кейин Коракалпогистон ахолиси яна бир фожиа Оролнинг куриб бориши жараёнини бошидан кечирди. Орол денгизининг куриб бориши бир катор салбий ходисаларга олиб келди. Сувдан фойдаланишда ва ерларни узлаштиришда илмий асосларнинг мавжуд эмаслиги, сувнинг талон-торож килинишига, кишлок хужалигининг экстенсив ривожланиши экин майдонларнинг шурланишига сабаб булди. Денгиз сувининг шиддат билан пасайиб бориши натижасида 3 млн га.дан ортик куриган денгиз тубини кумли сахрога айлантирилди. Денгиз тубидан 150 млн тоннага кадар тузли чанглар атроф мухитга таркатилмокда. Махаллий ихтиофауна кирилиб кетди. Бахор чузилиб кетадиган булди. Сувнинг таркиби ёмонлашиб борди. Махаллий ахоли генофондининг таназзули жараёни содир булди. Маданият ёдгорликларига зарар еткизилмокда. “Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиаларнинг бири,-ёзади Президент И.Каримов. - Денгиз хавзасида яшайдиган карийб 3,5 млн. киши унинг таъсирида колди”.

## 11-мавзу. СУВЕРЕН КОРАКАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИКТИСОДИЙ ТУРМУШИ

режа

1. Коракалпогистон давлатчилигининг ривожланиши
2. Иктисодий тараккиёт
3. Ижтимоий соханинг ривожланиши

адабиётлар


1. Узбекистон янги тарихи. 3-китоб. Мустакил Узбекистон тарихи. Тошкент, 2000.
2. Каракалпакстан жана тарийхы. Нокис, 2003.


1990 йили 14 декабрда Коракалпогистон Республикаси Олий Кенгаши узининг 1У сессиясида “Узбекистон Республикаси таркибида Коракалпогистон Республикаси Давлат суверенитети тугрисидаги” Декларация кабул килди. Мазкур Декларация 1991 31 августда кабул килинган “Узбекистон Республикаси давлат мустакиллиги асослари тугрисидаги” Конунда узининг хукукий асосини топиб, 1-нчи ва 17-нчи моддаларида Коракалпогистоннинг худудий яхлитлиги ва мустакиллиги эътироф этилди. Хар икки республика уртасидаги сиёсий, иктисодий ва маданий муносабатлар Узбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда кабул килинган Конституциясида (70-75 мод-далар) уз аксини топди. Коракалпогистон Республикаси Олий Кенгаши узининг ХП сессиясида (1993 йил, 9 апрел) Коракалпогистон Республикаси Конституциясини кабул килди. Коракалпок мил-лий давлатчилиги уз тараккиёти тарихида биринчи марта инсонпарвар, адолатли, демо-кратик имтиёзларга эга булди. Айни пайтда у суверен республиканинг барча атрибутлари-га эга. Жумладан, Коракалпогистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 14 декаб-рда булиб утган Х1 сессиясида Коракалпогистон Давлат байроги, 1993 йил 9 апрелда бу-

либ утган ХП сессиясида Давлат тамгаси, 1993 йил 4 декабрда булиб утган Х1У сессиясида Давлат мадхияси тасдикланди.

Парламент - Коракалпогистон Республикаси Жукорги Кенгеси хисобланади. 86 депутатдан иборат. Куйидаги давлат арбоблари Парламент раислари булиб ишлади: Даулетбай Шамшетов (1991-1992), Уббинияз Аширбеков (1992-1997), Тимур Камалов (1997-2002). 2002 йили 2 май куни бу лавозимга Муса Тажетдинович Ерниёзов сайланди.

Аввалги Олий Кенгашдан фарки Жукорги Кенгашга савлов куппартиявийлик асосида утказилади. Аввалги сайловларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар синфи, колхозчи дехконлар, халк зиёлиларининг урни ва сони олдиндан белгилаб куйилар эди. Бунинг устига Парламентда вазифаси буйича албатта депутат булувчи уринлар хам мавжуд эди. Кейинги сайловларда бундай ёндошувдан воз кечилди. Депутатларнинг уз сайловчилари билан кундалик муносабати, якин мулокати йулга куйилди. Аввалги парламентда бу масалага унча эътибор берилмаган эди.

Ижроия органи - Министрлар Кенгаши хисобланади. Куйидаги давлат арбоблари Министрлар Кенгаши раислари булиб ишлади: Амин Тожиев (1989-1992), Раджапбой Йулдашев (1992-1995), Бахрам Жуманиязов (1995-1996), Сапарбай Авезматов (1996-1998), Амин Тожиев (1998-2002), Турсунбай Тангирбергенов (2002-2006). Хозирги кунда Министрлар Кенгаши раиси булиб Бахадыр Янгибаев ишлайди.

Бугунги кунда Узбекистон марказий бюджетидан Коракалпогистонга берилаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам микдори 9 миллиарддан ошик сумни, ёки бутун Коракалпогистон бюджети харажатларининг 75 фоизини ташкил этмокда. Узбекистон хукуматининг амалий ёрдами коракалпок халкининг фидоий мехнати туфайли кейинги йилларда Коракалпогистонда ахоли турмуш шароитини яхшилаш, туб иктисодий ислохотларни амалга ошириш борасида катор ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, элда тинчлик ва баркарорлик мустахкамланди. Хамжихатлик билан юрт истикболи йулида мехнат килишга шароит яратилди.

Республикада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо була бошлади. Ишлаб чикариш ва хизмат сохасида нодавлат секторнинг хиссаи ошиб борди. Саноат, кишлок хужалиги ва савдода нодавлат сектори хиссаси 80-90 фоизни ташкил этмокда. Республика иктисодиётининг бошка йуналишларида хам ислохотлар изчил амалга оширила бошланди Жумладан, банк тизимида хам жиддий ислохотлар амалга оширилди. Бу ерда давлат банклар билан бирга тижорат ва хусусий банклари хам фаолият курсатмокда. Агросаноат банк ва саноат-курилиш банк ихтисослаштирилган хиссадорлик тижорат банкларига айлантирилди. “Тадбиркорбанк”, “Асакабанк”, “Алокабанк”, “Сабзавотбанк”, “Заминбанк”, “Туранбанк”, “Савдогарбанк”, “Галлабанк” Коракалпогистон булимлари ташкил этилди. Коракалпогистон тарихида биринчи марта ташки иктисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

Коракалпогистонда улгуржи ва биржа савдоси билан шугулланувчи хиссадорлик уюшмалари кенг фаолият курсатмокда. Товар ишлаб чикарувчилар, истеъмолчилар ва ишбилармонларнинг бутун имкониятларини ишга солиш максадида уларнинг эркинлиги ва тенг хукуклигини таъминлаш чоралари курилди.

Коракалпогистонда 51 та майда улгуржи тизим, шу жумладан 4-та савдо уйи, 35-та майда улгуржи савдо дуконлари ва омборлар, 32-та кутара савдо базаси хамда Узбекистон товар хом ашё биржаси Коракалпогистон булими, 19-та супермаркет дуконлари фаолият курсатди. 1999 йилнинг биринчи январигача булган маълумотларга караганда хусусийлаштиришдан тушган маблагларнинг умумий хажми 650 миллион сумни ташкил этди. Унинг 20 фоизи республика ижтимоий тараккиётига ажратилди. 50 фоизи эса тадбиркорларни куллаб-куватлаш максадида имтиёзли кредитлар ажратишга сарфланди. Шу билан бирга Коракалпогистон Республикаси давлат мулкини хусусийлаштириш кумитаси хусусийлаштирилган корхоналар ва тадбиркорларни куллаб-куватлаш максадида 13,8 миллион сум кредит ажратди. 2000 йилга келиб 2932 корхона хусусийлаштирилди.

Бозор фондининг фаолияти сезиларли равишда фаоллашди. 2000 йилга келиб республика фонд биржалари филиалларида 958 миллион сумлик акциялар сотилди. Республикада 7807 кичик ва урта ишбилармон корхоналари, 8977 якка тартибдаги тадбиркорлар руйхатга олинди. 1996 йил якунига кура ишлаб чикарилган махсулот хажми 10 млрд 355,7 млн сумни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чикариш хажмида нодавлат корхоналарининг улуши 90 фоизга усди. Республикада 1996 йилда амалдаги нархларда 10 млрд 754,4 млн сумлик саноат махсулоти ишлаб чикарилди.

Пахтадан ип ишлаб чикариш, ип газламалари, тайёр трикотаж буюмлар, истеъмол махсулотларидан ун, макарон, минерал сувлар ишлаб чикариш купайди. Йигма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, тошдан безакли материаллар тайёрлаш, кандолатчилик махсулотлари, усимлик ёги, узум виноси, салкин ичимликлар, орок, ош тузи ишлаб чикариш усди.

Саноатда бир катор ижобий узгаришлар юз берди. Жумладан, 1995 йилда Хужайли шахрида шиша идишлар заводи курилиб фойдаланишга топширилди. 1996 йилда Кунгиротда “Урга” газ саноати корхонасида газ конденсати ва табиий газ казиб чикарилиши бошлаб юборилди. Ахолини газ билан таъминлаш даражаси 83 фоизга етди. “Коракалпоккурилиш” акционерлик жамиятида Италия фирмаларининг юкори сифатли жихозлари иблан жихозланган, йилига 60 минг кв.м. мармар блоклари ва плиталари ишлаб чикарадиган янги мрамор цехи очилди. “Нукусун” заводида эса спирт ишлаб чикарадиган янги цех курилди.

Енгил саноат ишлаб чикаришнинг базаси кенгая борди. 1993 йили Нукусда “Катекс” тукимачилик мажмуаси, 1995 йили Элликкалъа туманида “Элтекс” тукимачилик мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Нукус ва Кунгирот ун комбинатлари, Турткуда 3 млн шартли банка консерва махсулотлари ишлаб чикарадиган завод, Элликкалъа туманида эса шундай кувватга эга консерва цехи фойдаланишга топширилди.

1995 йилда Кунгирот туманида Марказий Осиёда ягона хисобланган йилига 190 минг тонна кальцийли сода ишлаб чикарадиган завод курилиши бошланди. Завод таркибида кимёвий йул билан экологик тоза ва энергия сарфланмайдиган каустик сода ишлаб чикариш хам кузда тутилган. Бу завод 600 млн долларга курилиб отирибди.

Кунгирот-Бейнеу автомобиль трассаси, Навои-Учкудук-Нукус темир йули курилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш натижасида 144-та саноат корхонасидан 113-таси мулкчиликнинг турли шаклларига утиб ишлай бошлади. Лекин куп саноат корхоналарининг асосий ишлаб чикариш фондлари (дастгохлар, механизмлар) маънавий ва жисмоний жихатдан эскиргани сезилиб колди. Уларнинг эскириш даражаси 35 фоиздан юкори эди. Энг аввало йигирув-тукув фабрикалари, гушт-сут ва озик-овкат саноати корхоналари (консерва заводи, вино заводи) ишлаб чикариш паркларини янгилаш талаб этилди.

Коракалпогистонда мехнатга лаёкатли ахолининг асосий кисми кишлокда истикомат килади. Аграр секторда хам иктисодий кайта куриш, бозор муносабатларига утиш руй берди.

1997 йил 1 январ холатига республикада 263 кишлок хужалик корхонаси фаолият курсатди. Нодавлат секторнинг жами ишлаб чикарилган махсулотдаги улуши 98,3 фоизни ташкил этди. Пахта етиштиришда нодавлат корхоналарнинг хиссаси 97,8 фоизни, дончиликда 98,1 фоизни, картошкачиликда 99,7 фоизни, сабзавотчиликда 98,8 фоизни, полизчиликда 95,1 фоизни, богдорчиликда 98,5 фоизни, пиллачиликда 100 фоизни, гушт етиштиришда 98,9 фоизни, сут ва тукум ишлаб чикаришда 99,4 фоизни, коракул тери ва жун етиштиришда 100 фоизни ташкил этди.

Дехкончиликда экин майдонларининг таркиби узгарди. Галла майдонлари экин майдонларининг 35,8 фоизини ташкил етди. Бугдой ва картошка етиштириш 3 марта, узум етиштириш 4 мартага купайди.

Коракалпогистонда дехкон фермер хужаликлари ташкил этиш буйича етарли тажриба тупланди. 1998 йилга келиб 1686 фермер ширкатлар уюшмалари ташкил этилди. Элликкалъа туманида мавжуд 14-та жамоа хужаликлари дехкон-фермер хужаликлари уюшмасига айлантирилди. Дехконларга мерос килиб колдириш хукуки билан ерлар узок муддатга ижарага берилди. Лекин Коракалпогистонда ана шу тажрибани оммалаштиришга мутлако эътибор берилмади.

1992 йили Коракалпогистон Республикаси ташки иктисодий алокалар вазирлиги ташкил этилди. 1992-2000 йилларда Жахон банки, Европа рауажланыу банки ва бошка фирмалар билан 100 ортик шартномалар тузилди. Республикада 303 ортик кушма корхоналар фаолият курсатмокда.

Коракалпогистон Республикасининг ташки савдодаги асосий шериклари Россия, АКШ, Жанубий Корея, Швейцария, Нидерландия хисобланади. Асосан пахта толаси, толадан олинга махсулотлар, кайта ишланган нефть махсулотлари, буян томирлари сотилади. Экспорт килинган товарлар хажми 1996 йилда 122,9 млн долларга тенг булди. Гарб мамлакатларига экспорт килинган хом ашё 113,6 млн долларни ташкил этди. Пахта толаси жами экспорт махсулотларининг 95 фоизини ташкил этди.

Ташки савдо оборотида импортнинг салмоги 1996 йилда 46,2 фоизни ташкил килди. Импорт махсулотлари таркибига асосан халк истеъмол моллари, кора ва ренгли металлар, озик-овкат махсулотлари киради. Якин хорижий мамлакатлардан асосан шакар, бугдой, машина ва жихозлар, агрегатлар ва уларнинг эхтиёт кисмлари, кувурлар, автомашиналар, ишлаб чикаришни комплектловчи материаллар келтирилди. Лекин республиканинг имкониятларидан тула фойдаланилмаяпти. Масалан, 1999 йили республика худудида 70-ка якин фойдали казилма корлари аникланди.

Мустакиллик йилларида республикада ижтимоий сохалар ривожланишига эътибор кучайди. Республика ахолиси 1,5 млн кишини курайди. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1992 йили 2 сентябрда “Коракалпогистон Республикаси худудидаги табиий офатлар окибатларини бартараф этиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тугрисида” 405-сонли карор кабул килди. Коракалпогистон Республикаси ахоли пунктларини электрлаштириш тула хал килинди. Ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 59,5 фоизга етди. 1992-1996 йилларда Туямуйин сув омборидан республика ахоли пунктларига 2 минг 885 км водопровод тармоги олиб келинди. 4057,5 км газ тармоклари еткизилди ва табиий газ билан таъминлаш 85,4 фоизни, шу жумладан шахарда 99,4 фоизни, кишлокда 72,4 фоизни ташкил этди. Куплаб согликни саклаш объектлари, касалхоналар, поликлиникалар, тугрукхоналар ва турар-жой бинолари курилди.

Коракалпогистон Республикаси халки Президент И.Каримовнинг БМТ минбаридан туриб дунё мамлакатларини Орол денгизини саклаб колишга карата чакиригини катта коникиш билан кутиб олди. Унинг ташаббуси билан 1994 йили 14 январда Нукусда Марказий Осиёнинг бешта давлат Президентлари хамда Россия Федерациясининг вакиллари иштирокида утказилган учрашувда Оролга ва Оролбуйи ахолисига амалий ёрдам бериш масаласи мухокама этилди.

1995 йили халкаро конференцияда Нукус Декларацияси кабул килиниб, унда бутун дунё жамоатчилиги эътибори Орол муаммосига каратилди. Декларацияда овул ва урмон хужаликларин илмий тизимга уткариш, сув ресурсларин фойдаланишнинг иктисодий усуллари ва технологиясин ишлаб чикиш, худуднинг табиий ресурсларин бошкариш тартибин етилиштириш, ушбу худудда ясавши одамларнинг турмуш даражасин яхшилаш масалалари кун тартибига куйилди.

1995 йили 24 октябрда БМТ-нинг 50 йиллигина багишланган Бош Ассамблея мажлисида Президент И.А.Каримов “бугунги куни халкаро финанс тизимлари билан ривожланган давлатлар куллаб-куватлашисиз, БМТ-нинг ташкилий ролисиз бу муаммони ечиш мумкин эмас” деб айтдилар.

Марказий Осиё давлатлари уз кучлари ва чет эл донорлари ердами билан 2 млрд 686 млн доллар инвестиция туплади. Шундан 856,25 минг доллар 1997 йили юкоридаги ишларга берилди. Оролни куткариш фонди Нукус филиали ташкил этилди. Бу харажатлар купинча грантларга берилиб атир.

## 12-мавзу. КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАДАНИЯТ ВА ФАН

режа

1. Маънавий турмуш
2. Таълим
3. Фан
4. Адабиёт ва санъат

адабиётлар

1. Узбекистон янги тарихи. 3-китоб. Мустакил Узбекистон тарихи. Тошкент, 2000.
2. Каракалпакстан жана тарийхы. Нокис, 2003
3. Айтмуратов Ж. Гарезсизлик дауиринде Каракалпакстан маденияттынын рауажланыуы. Нокис, 1999.

Маънавий кадриятларни кайта тиклашда Коракалпогистон Республикаси байрамларини ташкил этиш мухим роль уйнади: 21-март Навруз, 1 январ - Янги йил, 8-март - Хотин-кизлар куни, 9-апрел - Коракалпогистон Республикаси Конституцияси куни, 9-май - Хотира куни, 1-сентябр - Мустакил куни, 1-октябр - Устозлар куни, 8-декабр - Узбекистон Республикаси Конституцияси куни, Рууза хаити, Курбан хаити.

Мустакиллик йилларида Нукус шахрининг 60 ва 70 йиллиги, Турткул шахрининг 120 йиллиги, Ажиниёз Косибой угли ва Бердах Каргабай углининг 170 йиллиги, Нукус педагогик институтининг 60 ва 70 йиллиги, Коракалпок университетининг 25 йиллиги, Аллаёр Дустназаровнинг 100 йиллиги, Ерназар Алакознинг 200 йиллиги, И.Юсупов ва Т.Каипбергеновларнинг 70 йиллиги кенг нишонланди. Нукус педагогик институтига Ажиниёз шоир номи, Коракалпок университетига Бердах номи берилди. Бердах ва Ажиниёз, Улугбек хайкаллари урнатилди, Бердах музейи, Амет ва Аимхон Шамуратовлар музейи ташкил этилди.

1994 йили Коракалпогистонда Маънавий маданият ва маърифат маркази ташкил этилди. Марказ раиси - Иброхим Юсупов, хозир Улмамбет Хужаназаров. Шунингдек "Олтин мерос", "Амир Темур", "Нураний", "Навруз" фондлари ташкил этилди.

Коракалпогистон Республикасининг фидойи фарзандлари Алланиёз Утениёзов, Агитой Адилов, Онеся Саитова, Тулепберген Каипбергенов, Иброхим Юсуповлар "Узбекистон Кахрамони" унвонини олдилар.

1993 йили республика Министрлар Кенгаши коракалпок тилида янги латин езувига утиш хакида карор кабуллади. Билим нашриётидан 1996-1997 йилларнинг узида 65 отамада дарсликлар латин езуви асосида чоп этилди. 1993 йили Нукусда турк-коракалпок лицейи ташкил этилди. 1996 йили республикада 743 та умумтаълим мактаби фаолият курсатди. Хозир Коракалпогистонда 6 гимназия, 13 лицей, 19 колледж, 18 мак-таб-лицей, 6 банк-класс ва бизнес -мактаблар фаолият курсатмокда. Республикадаги 22 урта махсус укув юртларининг кундузги булимларида 11,8 минг укувчи таълим олмокда.

1990 йили Коракалпок университети учта факультети ва иккита булими асосида Нукус давлат педагогик институти кайта ташкил этилди. 1991 йили университетнинг тиббиёт факультети асосида Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали ташкил этилди. Унда талабалар сони 2001-йили 1000 га етди. 1995 йили янада университетнинг кишлок хужалиги ва иктисодиёт факультетлари асосида Тошкент аграр университети Нукус филиали, Тошкент архитектура-курилиш институти Нукус филиаллари ташкил этилди. 2005 йили Тошкент информацион технологиялар университети Нукус филиали ташкил этилди. Бешта олий укув юртларида 9 минг нафар талаба укимокда.

1991 йили Узбекистон Республикаси Фанлар Академияси Коракалпогистон филиали булим статусига эга булди. Булим таркибида Тарийх, археология ва этнография институти, Биоэкология, Орол буйи ижтимоий-иктисодий муаммолар институти ташкил этилиб, мустакилликдан аввало учта институт булса, енди 6 та институт ташкил этилди. Булимни академик С.Камаловдан кейин академиклар Ч.Абдиров, Т.Ещановлар бошкардилар. Хозирги вактда булим раиси булиб профессор Нагмет Аимбетов ишлайди.

Шунингдек, Узбекистон кишлок хужалиги илмий маркази Коракалпогистон булими ташкил этилиб, таркибига Шамурат Мусаев номидаги Чимбой дехкончилик институти, “Шоли” уюшмаси, Олтинкул станцияси, молчилик, богчилик, узумчилик муассалари кирди. Кишлок хужалиги ва иктисодиёт сохалари буйича Ж.Мамбетуллаев ва Б.Мамбетназаров каби академикларимиз мавжуд.

Бугунги куни Коракалпогистонда 65 фан доктори, 600 дан ортик фан номзоди фаолият курсатмокда, шу жумладан 60 фоиз фан доктори ва 40 фоиз фан номзодлари мустакиллик даврида илмий унвонга эга булди. Илгари Узбекистон Фанлар академияси хакикий аъзолигига сайланган С.Камалов (1979), Ч.Абдировлар (1989) каторига 1994-2000 йиллари Ж.Базарбаев, А.Бахиев, Т.Ещанов, А.Даулетов, Х.Хамидов хам кабул килиндилар. 1997 йили эса икки нафар рассом Ж.Изентаев ва Ж.Куттымуратов Узбекистон Республикаси Бадиий академиясининг академиклигига сайланди.

Тилшунос олимлар М.Календеров, Р.Есемуратова, А.Турабаев, К.Даулетбаевлар, файласуф Полат Сеитов Узбекистон Республикаси Беруни номидаги давлат мукофатини олдилар. Коракалпогистон Республикаси Бердах номидаги давлат мукофатини А.Бахиев, Р.Реимов, Л.Константинова, Ж.Базарбаев, К.Даулетова, М.Аметов, Ж.Сапар-ниязов, Т.Ещанов, М.Ажибеков, С.Камалов, К.Алламбергеновлар олдилар. Гинеколог Орал Атаниязова халкаро “Голдман” номидаги экологик мукофат эгаси булди.

Коракалпок давлат университети енида коракалпок тили ва адабиёти буйича докторлик ва номзодлик, УзФА Коракалпогистон булими тарих, археология ва энография институти енида тарих буйича номзодлик диссертацияларни химоя килувчи ихтисослашган кенгашлар ташкил этилиб фан доклари ва номзодлари узимизда химоя киладиган булди. Тарих фанидан хозиргача 51 фан номзоди химоя килдилар.

Республика олимлари мустакиллик йилларида чет эл мутахассислари билан хамкорликда илмий изланишлар олиб бормокда. Биоэкология институти олимлари Германия олимлари билан биргаликда 1993 йилдан бери Оролбуйи экологияси муаммолари буйича тадкикотлар олиб боришмокда. 1995 йили Муйнокда Германия ёрдамида биоэкология институтининг халкаро экология станцияси очилди. Тарих, археология ва этнография институти олимлари Австралиянинг Сидней университети олимлари ва француз археологлари билан биргаликда экспедициялар ташкил этмокда. Тарихчиларимиз Коракалпогистон худудида туризмни таргибот килиш максадида “Олтин маршрут”-ни ишлаб чикиб, унга Миздахкон, Элликалъа ёдгорликларини киргиздилар. 1997 йили сентябрда Нукусда “Кирк-киз” дастани ва туркий фольклорни тадкик этиш муаммоларига багишланган халкаро илмий анжуман ублиб утди

Мустакил Узбекистон ва Коракалпогистон долзарб масалалари республика шоир ва ёзувчилари ижодида катта урин эгаллайди. Узбекистон кахрамонлари, Узбекистон ва Коракалпогистон халк шоири Иброхим Юсупов, Узбекистон ва Коракалпогистон халк ёзувчиси Тулепберган Каипбергеновлар каторига Толыбай Кабулов, Халмурат Сапаров, Гулайша Есемуратова, Кенгесбай Рахмонов, Узакбай Абдурахманов, Муротбай Низонов, Кенгесбай Реимов, Сагинбай Иброхимов, Кенгесбай Каримов, Халила Даулетназаров, Жиянбай Избасканов, Бактияр Генжемуратов, Шарапатдин Аяпов, Гулистан Матякупова, Набийра Торешова, Мунайхан Жуманазарова, Гулнара Нурлепесова, Абдимурат Атажанов, Хурлиман Утемуратова, Шаригул Пайзуллаева, Сайлаубай Жумагулов, Базарбай Казакбаев ва бошкалар келиб кушилди.

1993 йили январда Тошкентда Коракалпогистон маданияти кунлари, ноябрда эса Коракалпогистонда Тошкент маданияти кунлари утказилди. 1993 йили Тошкент консер-

ваториясида миллий “Ажиниёз” операси ижро этилди. 1996 йили коракалпок хореографияси тарихида биринчи марта “Ойжамол” номли балет сахналаштирилди. Композиторлардан Н.Мухаммаддинов, К.Заретдинов, Г.Аманиязов, Ш.Пахратдинов, Т.Есиркепов ва бошкалар мустакиллик йиллари яхши фаолият курсатмокда. Муяссар Раззакова, Кегесбай Сержанов, Мырзагул Сапаева, Гулхатийша Аимбетова, Роза Кутекеева, Максет Хужаниёзов, Максет Утемуратов, Гулнара Утепова, Элеонора Кутлыпулатова, Анифа Артыкова, Гулнара Алламбергенова ва бошка кушикчиларимиз бутун Узбекистон ва Марказий Осиёга таникли булди. Жумабай жиров Базаров, Бахтияр жиров Есемуратов, бакшилар Турганбай Курбанов, Зияда Шарипова, Зулфия Арзымбетова, Жарылкаган Ещанов, Тенел Каллиев ва бошкалар Германия, Франция ва бошка давлатларда коракалпок дастанлари ва шеърларини ижро этиб, бутун дунёга белгили булди. Коракалпок университети “Хурлиман” ансамбли 2000 йили Тошкентда “Узбекистон - Ватаним маним” конкусида 1-уринни эгаллади.

Мустакиллик йиллари Савицкий номидаги Коракалпок миллий санъат музейи ва Коракалпок улкашунослик музейи, Бердах музейи миллий узлигимизни таргибот килишда катта фаолият курсатмокда.

2002 йили май ойидан бошлаб миллий телевидениеде “Ассалам Коракалпогистон” тонги курсатуви ташкил этилди. Шунингдек, “Маурит”, “Тарийх ва такдир”, “Байтерек”, “Шанарак”, Ёшлар канали” курсатувлари ташкил этилди. Президентимиз Еркин Кутыбаев, Алишер Ауезбаев, Бахтияр Нуруллаев, Муратбай Балтаниязов, Ф.Оразымбетов ва бошкаларнинг спорт сохасидаги мардликларини тан олди.

Мустакилликнинг утган даври - тарих учун бир лавзадир. Лекин шу муддатда Коракалпогистонда амалга оширилган ишлар салмоги ва кулами билан бир неча ун йилликларга тенг келади. Тарихан киска даврда мамлакатимиз хаётида хам, одамлар турмушида хам кескин бурилиш ясалди. Тафаккуримиз тобора кенгайди. Узлигимизни англай бошладик.